«...вияси ва сифатининг пасайишига олиб келди. Бу ҳақда 20 - йилларнинг бошларида нашр қилинган мақолалар тўлақонли тасаввурни бердилар. Уларда ёзилишича, мактаб қурилишининг жадаллик билан ўсиши янги ўқитувчиларга бўлган талабни келтириб чиқарган эди. Қисқа тайёрлов курслари орқали ўқитувчилар тайёрланиб, уларнинг сифатига эътибор берилмай, миқдор жиҳатдан кўпайтириш авж олди. Ҳаттоки, бу курсларга мажбурий равишда курсантлар (ўқитувчилар)ни сафарбар қилиш ҳоллари учради<sup>15</sup>. Жойларнинг талаби билан, вазифанинг натижаси, имкониятлар ҳисобга олинмай «инқилобий шошма-шошарлик» руҳида амалга оширилди. Бу эса кўп ҳолларда салбий оқибатларга олиб келди. Бундай курсларни Тилла Хонжа «ўқитувчилар заводи» деб атаб, ҳар икки ойда бир неча юз ўқитувчи чиқариб, мактабларимизнинг тақдирини шуларнинг қўлига топширдик»,<sup>16</sup> -деб куйиниш билан ёзади. Ш. Раҳимий эса бундай аҳволни «тўдачилик даври» деб баҳолаб, ҳатто мактабларни турк зобитлари қўлига топширилганлиги, улар эса «асосий эътиборни ҳарбийча юриш, қўшиқларни ўргатишга қаратган»ликларини кўрсатади<sup>17</sup>. Миллий матбуот орқали бундай очиқ фикрларнинг айтилиши халқнинг маданий ҳаётидаги ўзгаришларига бефарқ бўлмаган маҳаллий муаллифларни жамият онгига ўзларининг ўткир қаламлари билан таъсир ўтказганликларидан далолатдир.

Ўқитувчиларнинг мактаблардан узоқлашуви ва уларнинг оғир аҳволининг сабабларини И. Севастьянов ўз мақоласида танқидий нуқтаи назардан очишга ҳаракат қилади. У ёзади: «Ўқитувчи меҳнати билан яшаш учун муаллимлар кўп миқдорда соатлар олиб, шаҳарнинг турли ерларидаги ўқув муассасаларида ишлашга мажбурлар. Улар кун бўйи югуриб, уч сменалаб ишлаб, кечга томон чарчоқ, ярим оч ҳолда уйга қайтадилар. Ҳатто, мактаб ишларининг фидоийлари севимли ишларидан қочиб, котиб, раис ёрдамчиси хўжалик бошлиғи ва бошқа лавозимларда ишлаётганликларига таажжубланмаса ҳам бўлади. Мактабларда фақат ўқитувчилик иқтидори ва алангаси бор инсонларгина ишламоқдалар»<sup>18</sup>.

Шу билан бирга бу муаллифлар, бундай ҳолатдан чиқиш йўллари-ни топишга ҳаракат қилганлар. Масалан, I ва II босқич мактаб ўқувчилари учун курслар очиш, муаллимлар тайёрлайдиган институтларни

<sup>15</sup> Сербов П. Ўша асар. 24-бет.

<sup>16</sup> Ишчи. Ўша асар. 50-бет.

<sup>17</sup> Раҳимий Ш. Ўзбек маорифининг ўтгандаги ва ҳозирги ҳоли. Тошкент, 1923. 18-бет.

<sup>18</sup> Севастьянов И. Экспертиза учителей // Туркестанская правда. 1922. 15 декабря.

очиш, ўқитувчиларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш кабилар шулар жумласидандир.

Лекин, бундай салбий ҳолатлар халқни янги ҳукуматнинг маориф соҳасидаги ишларидан ихлосини қайтарди. Ўша давр муаллифлари таъбири билан айтганда, халқ орасида советлар мактабининг обрўси кескин равишда пасайиб кетди, «улар мақсадга мувофиқ эмас, уларда ҳаёт йўқ деб қатъий айтиш мумкин»<sup>19</sup> эди. А. Шукуров қайд қилиб ўтганидек, 1921 йил кузигача эски Тошкентнинг ўзида юздан ортиқ советлар мактаби фаолият кўрсатган бўлса, янги иқтисодий сиёсатдан кейин уларнинг сони 20 дан ҳам камайиб кетган эди<sup>20</sup>. Натижада инқилоб туфайли йўқолиб кетган эски усул-диний мактаблар ўз фаолиятларини бошлаб юбордилар. В. Билик ўз мақоласида Туркистон ўлкасидаги диний мактаблар фаолиятини ёритар экан, «...аҳоли орасида муллалар обрўининг юқорилиги диний мактаблар мавқеини янада кўтарди. Қисқа муддатли ўқитувчилар курсида таълим олган совет мактаби муаллимлари бу мактаблар таъсирига қаршилик кўрсата олмадилар»<sup>21</sup> - деб ёзган эди. Шунингдек, Олчин, Ш.Раҳимийлар ҳам бу мактабларни халқ орасида яхши бир из қолдирмаганлигини, халқ турли баҳоналар билан болаларини улардан чиқариб олиб, савдо ишларига аралаштираётганликларини куюнчаклик билан таъкидлайдилар<sup>22</sup>. Халқ орасида диний мактабларга бўлган эҳтиёж кескин равишда кучая бошлади. Хусусан, «Туркеспубликасида умумтаълим масалаларига доир» мақоласининг муаллифи ўлкадаги мактабларда ўқитиш тизимини кўриб чиқар экан, «тез орада совет мактаблари диний мактаблар денгизида бир оролчага айланиши мумкин»лигини қайд этиб ўтган эди<sup>23</sup>. «Туркистон маҳаллий мактабларида диний таълимот масаласи» мақоласи муаллифи эса халқни яна совет мактабларига жалб этиш ва уларни мустақамлаш дин дарсларининг ўқитилишини йўлга қўйилиши билан амалга оширилади деб ҳисоблаган. Унинг таъкидлашича, янги 1922 ўқув йилидан диний таълим у ёки бу ноҳия аҳолисининг хоҳиш иродасига қараб киритилиши ва ҳар куни мулла ёки ўқитувчи томонидан олиб борилиши лозим эди. Бу масала 1922 йилда ўтказилган ўзбек маданияти ва маориф ходимларининг съездида ҳам кўриб

<sup>19</sup> Шукуров А. Ўша асар. 33-бет.

<sup>20</sup> Ўша ерда. 36-бет.

<sup>21</sup> Билик В. Роль конфессиональной школы в жизни Туркестана // Наука и просвещение. 1922. №1. С.27.

<sup>22</sup> Олчин. Бизда мактаб масаласи//Билим ўчоғи. 1922. №1. 87-бет; Раҳимий Ш. Ўша асар. 19-20-бетлар.

<sup>23</sup> Наука и просвещение. 1922. №1. С. 5.

чиқилиб, «болаларни янги мактабга жалб қилиш ва омманинг динга бўлган юксак ҳурматдаги руҳиятини ҳисобга олиб, мактабларга дин дарсларини киритиш керак»<sup>24</sup>, - деб қарор қилинган эди. Муаллиф Олчин эса эски усул мактабларини қайта кўриб чиқиш таклифи билан чиқади. У: «Эски мактабларни маориф идоралари тезда «ҳисоб-ки-тоб» қилиб, ўз назоратларига олишлари керак. Булардан вайрон ва ярамас биноларидагини яхши биноларга кўчириб, асбоб ва муаллим билан таъмин қилиш керак. Бу мактабларда таълим-тарбия ишларини яхши бормоғига диққат қилмоқ, ҳисоб, жўғрофия, тарих каби фанларни мактабларга киритиш, ҳамда ўқув-ёзувларини, дин дарсларини тартибли бир ҳолда ва Қуръон ўқишларини ҳам мумкин бўлгонча маъноси билан ўқитиш йўлига киритиш керакдир»<sup>25</sup>. Ш. Манатов эса ўз мақоласида ўлкадаги маориф соҳасидаги камчиликларни кўрсатиб ўтар экан, вужудга келган вазиятга кескин қарши бўлса-да, бироқ, вақтинча «юзага келган шароитда исломни ўқитиш мактабдан ташқари, мактаб дарсларига ҳалақит бермаган бўш вақтлардагина ижозат бериш мумкин»<sup>26</sup>, -деб ҳисоблайди. Муаллифнинг ёзишича, кўпчилик жойларда диндорларнинг, «агар шўро мактабларида дин дарслари ўқитилиши йўлга қўйилса, моддий жиҳатдан таъминлаш»лари ҳақидаги аризалар топширганликлари ҳолатлари ҳам қайд этилган.

Шу билан бирга эски усул мактаб муаллимларини ўқитишнинг янги усулларига ўргатиш ҳоллари ҳам учраган. Масалан, «Туркестанская правда» газетасида ёзилишича, Хўжанд шаҳрида халқ таълими бошқармаси томонидан эски усул мактаб муаллимлари ва уламолари тўпла-ниб, уларга эскича ўқитиш усулининг ноқулайлиги, қолоқлиги тушунтирилган. Уламолар ўз навбатида «масаланинг бундай қўйилишига шариат қаршилиқ кўрсатмайди, аксинча, шариат эътиқодларининг саводли, ёзув ва ҳисобни билишларини мувофиқ деб билади»<sup>27</sup>, - деб ўз розилиklarини билдирганлар. Бу икки ойлик педагогик курслар 42 нафар кишига мўлжалланган бўлиб, уларга ўз вақтида катта иштиёқ билан қатнов кузатилган.

Шу билан бирга, ушбу давр нашрларида вақф маблағларининг маориф ишларига жалб этилганлиги ҳақида ҳам сўз борган. Жумладан, «Халқ маорифи кенгашининг 2 - қурултойига материаллар», П. И. Сер-

<sup>24</sup> Наука и просвещение. 1922. №2. С. 174.

<sup>25</sup> Олчин. Ўша асар. 89-90-бетлар.

<sup>26</sup> Манатов Ш. Больные вопросы просвещения на Восточных окраинах// Жизнь национальностей. 1923. Кн.2. С.82.

<sup>27</sup> Туркестанская правда. 1922. 9 августа.



бов ва А. Д. Никифоровларнинг «Ўзбекистонда халқ таълими», З. Д. Ефановнинг «Маориф frontiда» номли китобларида кўрсатилишича, Халқ Маориф Комиссарлиги қошида Вақф Бош Бошқармаси (ВББ) тузилган ва унинг зиммасига ўлкадаги барча вақф маблағларини ҳисобга олиш, диний мактаблардан даромад олиш ва уларни янги ўқитувчилар билан таъминлаш ва эски усул мактаб ўқитувчиларини қайта тайёрлашга қаратиш каби вазифалар юклатилган эди. Бу нашрлардан бизга яна шу нарса маълум бўладики, 1924 йилдан бошлаб анъанавий (эски усул) мактабларни «советлаштириш» бошланган ва шу йилнинг 1 апрелидан бошлаб ВББ қарорига кўра бу мактабларда ягона меҳнат мактаблари дастури билан ўқитиш йўлга қўйилган. Бунгача диний мактаблар ўқув режасининг 50 фоизи диний ахлоқ қондалари ва Қуръонни ўқитишга ажратилган эди<sup>28</sup>. Биринчи даврларда ЎзХМКнинг вақф даромадлари 7-8 фоизни ташкил қилиб, биринчи навбатда умумтаълим мактабларининг таъминотига сарф қилинган. Андижонлик тадқиқотчи Бахтиёр Расуловнинг аниқлашича, 1924 йилнинг ўзида вақф сармояларидан олинадиган давлат солигининг ҳажми Ўзбекистон территорияси бўйича (Бухоро ва Хоразм Республикалари билан ҳисоблаганда) 800.000 сўмни ташкил этган<sup>29</sup>. Бундан ҳам аввалроқ 1923 йилда ёзилган Ш. Раҳимийнинг рисоласида «Агар бу кунда вақф ёки маҳаллий сармоя қўлимизда бўлмаган чоғида бу ўқув юрларидан жуда кўплари ҳозиргача ёпилгон бўлур эди»<sup>30</sup>, деган фикрни учратамиз. А. Шукуров эса ўз мақоласида вақф маблағларини бир қисмини маҳаллий аҳоли вакилларини таълим олиш учун хорижга юборишга сарф этиш ҳақидаги таклифни илгари суради. «Ана шунда хорижга ҳар йили бир неча юз кишини юбориш мумкин. 5-8 йил ичида улар Ватанга янги кишилар бўлиб қайтадилар ва ҳақиқий янги мактаблар ташкил этадилар»<sup>31</sup>, - деб ёзади у. Бош Вақф Бошқармасининг аъзоси бўлган Мунаввар Қори Абдурашидхонов<sup>32</sup> ҳам вақф маблағларининг асосий қисми маориф ва маданият соҳасига сарфланаётганлигини ўз ҳисоботида аниқ равшан кўрсатиб ўтган эди. Унда ёзилишича, «бош вақф идораси ўзининг таъминоти учун маҳаллий шўьбаларнинг умумий даромадидан «10 фоиз» олиб, қолган «90 фоиз»ини маҳалла-

<sup>28</sup> Ефанов З.Д. На фронте просвещения. Ташкент. 1924. С. 17.

<sup>29</sup> Расулов Б.М. Из истории мусульманских мактабов и медресе в Узбекистане (конец XIX–20-е гг. XX вв.). Автореф.... канд. ист. наук. Андижан, 1996. С. 25–26.

<sup>30</sup> Раҳимий Ш. Ўзбек маорифининг ўтгандаги ва ҳозирги ҳоли. 26-бет.

<sup>31</sup> Шукуров А. Мусульманские школы... С. 35.

<sup>32</sup> ЎзР МДА Ф. 25. 1-рўйхат. 1142-иш. 7-варақ.

ларнинг ўзида маориф ва маданият ишларига сарфлайдир» (Вақф идорасининг 1923 йиллардаги бутун даромади 6.529.652 сўмни ташкил этган эди.). Мунаввар Қори вақф идоралари қисқа вақт ичида халқнинг маорифи ва маданияти йўлида яхшигина натижаларга эришганини Тошкент вақф шўъбалари фаолиятида аниқ кўрсатиб беради. У бу шўъбалар томонидан очилган маданий-маърифий муассасалар сонини санаб ўтар экан, бу тадбирлар нафақат шаҳарларда, балки чекка «уезд» ларда ҳам амалга оширилиши лозимлигини, бунинг учун бош вақф идораларини «вақф ерлари солиғидан озод қилиш» фикри билан чиқарди. Бу тадбир амалга оширилса «уезд халқи ҳам яхшигина бир маориф ва маданият сармоясига молик бўлиб, бу сармоя воситаси билан ўзининг босиб ётган жаҳолатларига қарши курашган бўлур эди»<sup>33</sup>, деб ишонади. Бу маълумотлардан бизга шу нарса аён бўладики, вақф маблағлари ҳам ўлка маорифи ва маданиятининг ривожланишига бе-восита ўз ҳиссасини қўшган ва ёрдам қилган.

1927 йилдан бошлаб эски усул-диний мактабларга қарши у хоҳ ислоҳ қилинган бўлсин ёки бўлмасин кураш бошланди. ЎЗР МИКнинг III сессиясида эски усул мактабларига барҳам бериш, уларни тугатиш тўғрисида ЎЗР Маориф Халқ комиссари М. Рамзий<sup>34</sup> катта маъруза қилди<sup>35</sup>. Албатта, ўша даврга хос бўлганидек, у мазкур мактабларга «буржуа жадид мактаблари», зиёли ва диндорларга «синфий душман» каби ёрлиқлар ёпиштиради. Бу маърузадан бизга маълум бўладики, эски усул мактабларни ёпиш учун турли хил чоралар қўлланилган. Жумладан, уларда ўқиш учун 14 ёшгача бўлган болалар шўро мактабининг I-синфини бўлса-да, албатта битирган бўлиши шарт қилиб қўйилган. Соғлиқни сақлаш органлари бу мактаблардан тозалик шарт-шароитларини талаб қилишлари шарт эди<sup>36</sup>. Бироқ, бу чораларга қарши ўлароқ, совет мактаблари учун биноларнинг етишмаслиги, болаларнинг 2-3 сменада ўқитилаётгани ҳақида ҳам сўз боради. М. Рамзий зиёли ва диндорларнинг ислоҳ қилинган эски усул мактабларни қолдириш ҳақидаги фикрларига кескин қарши чиқарди. Унинг қарашларини М.Стамблер ҳам қўллаб-қувватлайди. У ўз мақоласида шўро мактабларини кучайтириш асосида эски усулдаги мактабларга қарши кураш йўллари ишлаб чиққан эди<sup>37</sup>. Қурбон Бирининг эса «эски мактаб-

<sup>33</sup> Мунаввар Қори. Бош вақф идорасининг бир йиллик ҳисоби // Фарғона. 1924, 7 феврал.

<sup>34</sup> 1931 йилда Маннон Рамзий ҳибсга олинди, бу вазифадан четлатилган эди.

<sup>35</sup> ЎЗР МДА. Ф. 94. 5-рўйхат. 62-иш. 3-варақ.

<sup>36</sup> Ўша жойда.

<sup>37</sup> Стамблер М. Вопросы народного просвещения в Средней Азии // За партию. 1927. № 2. С. 95-96.

ларни битириш эмас, уларни ислоҳ қилиш керак, эски мактабларни тугатган билан биз етарли даражада янги мактаб билан таъмин қила олмаймиз. Шунинг учун улар фаолияти давом этса ҳам майли»<sup>38</sup>, - деб фикрловчиларни қаттиқ танқид остига олади ва «мафкура майдонида курашимизнинг бир муҳим банди эски усул мактабларни тугатишдир»<sup>39</sup>, - деб ҳисоблайди. Бу давр муаллифлари «Динга қарши кураш!» шиори билан мактабларда динга қарши тарбияни кучайтириш, муаллимларни текшириб, уларни «тозалаш», нашр қилинадиган китобларнинг барчасини мазмун-моҳияти динга қарши кураш усулида, мафкурага мос қилиб чоп этилиши каби фикр-мулоҳазаларини билдирганлар<sup>40</sup>. Бундай ёндашувларнинг бўлишига сабаб эса диний мактабларнинг совет мактабларидан миқдор жиҳатдан ошиб кетганлигида эди. Масалан, 1925 йилда эски усул мактаблари 1329 тани, совет мактаблари эса 908 тани ташкил этган<sup>41</sup>. Бу эса ўз навбатида большевиклар ҳукумати-нинг хавотирига сабаб бўлди. Ўша даврда қарор топиб кучга кирган ғоявий тазйиқлар эндиликда миллий анъанавий эски усул мактабларни йўқ қилиб юборишни ўз олдига мақсад қилиб қўйди ва бунга эришди ҳам. Эндиликда аҳоли совет мактабларига мажбуран жалб этила бошлади.

Юқоридаги муаллифлар совет мактабларини ўсиши ҳақидаги кўрсаткичларни келтирсаларда, бироқ бу мактабларга мактаб ёшидаги болаларнинг жуда оз қисми жалб этилган. Масалан, мактаб ёшидаги 100 та боладан фақат 8 тасигина совет мактабларида ўқиётгани<sup>42</sup>, қишлоқдаги совет мактабларида эса болаларнинг фақат 5 фоизи ўқиганлиги<sup>43</sup> ҳақида маълумотлар бор. Миллий анъанавий мактабларда эса ўқитувчиларнинг анчагина қисмини қиз болалар ташкил этган<sup>44</sup>. Е. Федоровнинг таъкидлашича, «...аҳолини бошланғич мактаб билан таъминлаш мактаб ёшидагиларни жуда оз фоизини (12%) қамраб олганлиги билан характерланади»<sup>45</sup>. 20-йилларнинг охири - 30-йиллар-

<sup>38</sup> Биригин Қурбон. Маданий қурилиш вазифалари. Урганч. 1929. 15-бет.

<sup>39</sup> Ўша жойда. 13-бет.

<sup>40</sup> Бойжонов Р. Мактабда динга қарши тарбия//Худосизлар. 1928. № 7-8. 35-39-бетлар; Дахрий. Муаллимларнинг динли бўлишлари мумкинми?// Худосизлар. 1928. № 9-10. 60-65-бетлар; Ражабзода Н. Иш мактабларида динсизлик тарбияси// Маориф ва ўқитувчи. 1927. №6. 16-18-бетлар.

<sup>41</sup> Народное образование в Узбекской Республике за 25 лет (1924 – 1949). С.24.

<sup>42</sup> Материалы ко второму Курултаяу советов. Самарканд, 1927. С. 19.

<sup>43</sup> ЎзР МДА. Ф.86. 1- рўйхат. 3103-иш. 122-варақ.

<sup>44</sup> Ўша ерда. 123-варақ.

<sup>45</sup> Федоров Е. Социально-культурное строительство в пятилетке Средней Азии// Народное хозяйство Средней Азии. 1929. № 6 –7. С. 69 –70.



нинг бошларига келиб, бу давр учун характерли бўлган синфий кураш, миллатчилик, кадрларни тозалаш каби ғоялар маориф, мактаб соҳаларини ҳам ўз назаридан четда қолдирмади. Бу давр мақолаларида ёзилганидек, «мактабларга диққатни кучайтириш, улар устидан назорат ва бошқарув; пролетариат ғояси учун кураш; ўсаётган авлодни интернационал руҳда тарбиялаш»<sup>46</sup> масалалари биринчи ўринга қўйилиши керак эди. Бундан ташқари, бу даврга келиб барча соҳаларда бўлганидек халқ таълими, маориф соҳасига оид фақат ютуқ, мақтовларга бой бўлган мақола ва рисолалар кўплаб ёзила бошланди: Уларда мактаб тармоқлари ўсишининг юқори кўрсаткичлари, умумий мажбурий таълимнинг йўлга қўйилганлиги, уларнинг юксак ютуқлари ҳақида сўз боради. Кези келганда Мустафо Чўқайнинг «Туркистон советлар ҳокимияти остида» китобида ёзилган фикрни келтирмоқчимиз: «...Маданият соҳасини «тушунтириш» катта қийинчилик туғдиради. Мактаблар миқдори, уларда ўқиётган ўқувчилар, «олийгоҳлар», «билим юртлари», - буларнинг барчаси таассуротли, албатта. Бироқ, миллий ютуқлар нуқтаи назаридан қараганда, большевикларнинг ўзлари томонидан бўрттириб кўрсатилган дастурга мувофиқ - натижа большевикча «ўз - ўзини танқид»дан паст туради»<sup>47</sup>.

Демак, XX асрнинг иккинчи ўн йиллиги адабиётлари таҳлили шуни кўрсатадики, маданият соҳасининг энг муҳим банди ҳисобланган маориф ва унинг турли соҳаларига оид муаммоларнинг ечилиши, масаланинг қўйилиши турли хил ўзгаришларни бошидан кечирди. Дастлабки вақтли ва даврий матбуот саҳифаларида чоп этилган мақолалар учун хато ва камчиликларни аниқ кўра билиш, бу тўғрида дадил, қўрқмасдан ёза олиш, қизиқарли ва муҳим таклифларни қўйиш каби хусусиятлар хос эди. Ўрганилаётган давр адабиётларида муаллифлар маориф, мактаб ва ўқитувчилар хусусида турли-туман муқобил йўللارни ва усулларни излаб, бу муаммоларнинг ечилишида миллий шарт-шароитларни ҳисобга олган ҳолда турли хил танқидий, қарама-қарши фикр ва мулоҳазалар, қизиқарли, ҳаттоки бугунги кунимизда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган таклифларни ўртага ташлаганлар. Бироқ, 20-йилларнинг охири 30-йилларнинг бошларига келиб, сиёсий вазиятнинг ўзгариши билан адабиётларнинг ҳам сифати ўзгара бошлади. Танқиддан

<sup>46</sup> Писменный С. О некоторых основных моментах в работе школы в наступающем учебном году// За партию. 1928. № 8. С. 42.

<sup>47</sup> Мустафа Чокай оғлы, Туркестан под властью советов (К характеристике диктатуры пролетариата). Париж: Яш Туркестан, 1935. С. 23.

мақтовларга ўтилди, камчиликлар яширилди, масалалар нотўғри талқин этила бошланди. Бу эса маданиятнинг муҳим бўлагини ташкил этувчи маориф, мактаб муаммоларини ёритилишига ҳам ўз таъсирини ўтказди. Уларнинг мазмуни саёз ва зерикарли бўлиб қолди.

*Н. Мустафаева*

**ВЗГЛЯД АВТОРОВ 20-Х ГОДОВ ХХ ВЕКА НА ПРОСВЕЩЕНИЕ  
В ТУРКЕСТАНЕ**

*В статье анализируется литература, посвященная состоянию просвещения в Туркестане, созданию новых школ и проблемам учительских кадров в 20-е годы ХХ века. Особое место занимают материалы периодической печати, в которых анализируются различные аспекты данной проблемы, отражена полемика между сторонниками и противниками проводимых преобразований. Материалы периодической печати – особо ценны для исследователя, так как в них отражена точка зрения современников и очевидцев происходящих событий.*

*N. Mustafaeva*

**THE VIEW OF THE AUTHORS OF 20 TH OF XX CENTURY ON THE  
ENLIGHTENING IN THE TURKESTAN**

*In this article there is an analysis of literature, devoted to the enlightening's level in Turkestan, to creation of new schools and to the problems of teaching staff in 20es of XX century. Periodical literature takes a special place among analyzing literature. Different aspects of this problem, reflection of disputes between supporters and opponents of given reforms were analyzed on its pages. The materials of periodical literature are especially for the researches, because they reflect witnesses' point of view.*

*Тарих фактлар тили билан**М. Рахимов, К. Перимкулова***УЗБЕКИСТАН В МЕЖДУНАРОДНЫХ И РЕГИОНАЛЬНЫХ ОРГАНИЗАЦИЯХ**

Развитие взаимоотношений с крупнейшими международными организациями – один из важных приоритетов многосторонней внешней политики Узбекистана. За короткий период республика была принята в члены ведущих международных организаций. Как известно, международные организации – это объединение государств на основе международного договора для осуществления сотрудничества в политической, экономической, культурной, научно-технической, правовой и иных областях. Международные организации являются важными *акторами* международных отношений, что и определяет повышенный интерес Узбекистана к их деятельности и участия республики в этом процессе.

Республика Узбекистан стала соучредителем таких важных региональных организаций, как Организация Центральноазиатского сотрудничества, Шанхайской Организации Сотрудничества, Содружества независимых государств.

**Узбекистан и крупнейшие международные организации**

**Узбекистан и ООН.** В марте 1992 г. Узбекистан был принят в члены ООН. В 1993 г. в Ташкенте было открыто представительство ООН в Узбекистане, а в штаб-квартире ООН в Нью-Йорке – постоянное представительство Республики Узбекистан при ООН. В настоящее время в стране действуют большинство органов и специализированных учреждений ООН, которые активно сотрудничают с правительством Узбекистана в проведении демократических реформ во всех сферах жизни общества.

Став членом ООН, Узбекистан получил возможность играть активную роль в деятельности этой авторитетной международной организации. Так, Президент Узбекистана, выступая на 48-й (сентябрь, 1993 г.), 50-й (октябрь, 1995 г.) и 55-й (сентябрь 2000 г.) сессиях Генеральной Ассамблеи ООН, особое внимание акцентировал на актуальных пробле-



мах глобального и регионального значения, особенно Центральной Азии. Глава Узбекистана внес ряд конкретных предложений, направленных на обеспечение мира и стабильности в центральноазиатском регионе. Данные предложения получили практическое воплощение в деятельности ООН. В частности, Советом Безопасности ООН была принята Резолюция о введении эмбарго на поставку оружия в Центральную Азию; создан специальный комитет ООН по борьбе с международным терроризмом. Что касается предложения Узбекистана, Казахстана, Кыргызстана об объявлении Центральной Азии зоной свободной от ядерного оружия, по мнению Генерального секретаря ООН Кофи Аннана, будет служить обеспечению региональной безопасности и станет важным шагом на пути нераспространения ядерного оружия и разоружения<sup>1</sup>. Однако ООН до сих пор официально не объявила Центральную Азию регионом свободного от ядерного оружия.

Узбекистан принимает активное участие в деятельности различных специализированных учреждений и комитетов ООН, а также в гуманитарных акциях ООН в Афганистане.

Узбекистан выступает за поддержку идеи реформирования ООН. В частности, увеличение постоянных членов Совета Безопасности ООН, повышение его роли и ответственности, расширение полномочий Генерального Секретаря ООН, повышение эффективности ООН в решении различных международных проблем.

**Узбекистан и Европейский Союз.** Одно из важных направлений внешней политики Узбекистана – развитие многосторонних отношений с Европейским Союзом (ЕС).

После многолетнего переговорного процесса в июне 1996 г. во Флоренции на саммите глав 15 государств ЕС и Президента Узбекистана И. Каримова состоялось подписание Соглашения о партнерстве и сотрудничестве между Республикой Узбекистан и Европейским Союзом<sup>2</sup>. В июле 1999 г. Соглашение вступило в полную силу, пройдя сложную и долгую процедуру ратификации со стороны национальных парламентов пятнадцати стран-членов ЕС и Европейским парламентом.

Основные направления сотрудничества Узбекистана с ЕС охватывают такие области, как углубление процесса модернизации экономики, поддержка независимости, суверенитета и территориальной целостности страны и развитие демократизации общества.

<sup>1</sup> Народное слово. 15 сентября 1995 г.

<sup>2</sup> Europe Union Newsletter. June 1996.

Одним из важных направлений сотрудничества Узбекистана с ЕС является программа ТАСИС<sup>3</sup>. В Узбекистане ТАСИС начала свою деятельность после подписания Меморандума между Узбекистаном и ЕС в 1992 г.<sup>4</sup> ТАСИС финансирует проекты, предусматривающие передачу «ноу-хау», а также включает проекты в области поддержки демократии, содействия малому и среднему предпринимательству.

К настоящему времени программой ТАСИС в Узбекистане было осуществлено или находятся на стадии реализации более 80 проектов стоимостью более 79 млн. долларов США<sup>5</sup>.

Наиболее важным представляется проект ТРАСЕКА, направленный на восстановление и развитие транспортного коридора между Европой и Азией, т. е. восстановления Великого Шелкового пути. Проект предусматривает соединение пяти республик Центральной Азии с Европой через государства Закавказья. К сожалению, проект ТРАСЕКА реализуется очень медленно.

**Узбекистан и ОБСЕ.** В 1992 г. Узбекистан стал членом Организации по безопасности и сотрудничеству в Европе. В октябре 1995 г. в Ташкенте стало действовать Бюро ОБСЕ по связям в Центральной Азии, в Вене также работает представительство Узбекистана при ОБСЕ.

Важным направлением сотрудничества Узбекистана и ОБСЕ является обсуждение проблем безопасности в Центральной Азии. Принимая участие на различных саммитах ОБСЕ (Будапештском 1994, Лиссабонском 1996 г. и Стамбульском 1999г.), Президент Узбекистана акцентировал особое внимание мирового сообщества на существующие в центральноазиатском регионе проблемы, включая проблемы безопасности и стабильности, программу практических действий по дальнейшему усилению роли ОБСЕ в укреплении международной безопасности на современном этапе.

Следует отметить, что у ОБСЕ отсутствует четкая стратегия деятельности в Центральной Азии, в этой связи необходима разработка четкого плана действий организации, во всех областях деятельности, включая все аспекты безопасности, что важно для безопасности самой Европы, учитывая глобализацию мировых процессов и угрозу безопасности.

---

<sup>3</sup> С 2002 года Europe Aid.

<sup>4</sup> Practical recommendations on the organization of the programme TESIS. European commission. Brussels 1995. P.6.

<sup>5</sup> European commission: TESIS Programmer. Annual report. 1996. Brussels. 25 July, 1997. P. 43-45.

**Узбекистан и НАТО.** Узбекистан установил тесные контакты с НАТО, взаимодействие его с данной организацией отражает стремление республики в укреплении обороноспособности страны и способствует делу мира, стабильности и безопасности в Центральной Азии.

С 1994 г. Республика Узбекистан присоединилась к программе НАТО «Партнерство ради мира», направленной на создание широкой системы коллективной безопасности и стабильности, в том числе и в центральноазиатском регионе. Узбекистан также принимает активное участие в ряде научных и экологических программ НАТО.

В новом тысячелетии НАТО ставит своей целью – обеспечить безопасность и стабильность государств, что, безусловно, отвечает стремлениям Узбекистана в установлении стабильности и безопасности в Центральной Азии. Дальнейшее развитие взаимоотношений Узбекистана с НАТО направлено на укрепление стабильности в регионе. В то же время сохранение баланса сил в регионе – очень важно для поступательного развития Центральной Азии.

#### **Участие Узбекистана в международных региональных организациях**

**Узбекистан и ЦАС.** Одно из приоритетных направлений региональной политики Узбекистана – укрепление дружественных отношений с соседними государствами Центральноазиатского региона. Регион имеет важное геополитическое значение в современной системе международных отношений, и насколько страны Центральной Азии будут стремиться интегрироваться зависит в целом его судьба. С учетом того, что страны данного региона имеют территориальную общность, коммуникацию базовых и ведущих отраслей экономики, совместные эксплуатации водохозяйственных и региональных объектов, обеспечение энергоресурсами, можно отметить, что проблема интеграции относится к ключевой.

Узбекистан выступает за широкую интеграцию в рамках Центральной Азии<sup>6</sup>, является одним из его учредителей. Для этих целей Узбекистан и Казахстан в 1994 г. договорились о создании единого экономического пространства, ставшего основой сотрудничества стран Центральной Азии. В 1998 г. эта структура была названа «Центральноазиатское экономическое сообщество». В феврале 2002 г. на встрече Президентов Узбекистана, Казахстана, Кыргызстана и Таджикистана была

---

<sup>6</sup> Annette Born. Uzbekistan: politics and foreign policy. Royal Institute of International Affairs. London. 1998. P.44.



официально создана Организация Центральноазиатского сотрудничества (ЦАС).

В течение 10 лет главами центральноазиатских государств было подписано более 200 документов в рамках интеграции, однако многие из них остаются не реализованными, что требует глубокого пересмотра всех подписанных соглашений и договоренностей. В рамках ЦАС существует ряд проблем. В частности, нет единства в подходе к использованию водных ресурсов Центральной Азии. Решение этих и других проблем позволит ускорить экономические и политические интеграции стран региона.

**Узбекистан и СНГ.** Одним из приоритетных направлений внешней политики Узбекистана является развитие прямых и многосторонних отношений со странами СНГ. Как известно, СНГ был образован 21 декабря 1991 г. на встрече глав одиннадцати бывших советских республик. Этот день стал днем окончательного развала СССР.

Для интеграции стран в рамках СНГ существует комплекс экономических, социально-политических, военных и культурных факторов. За более десятилетнее существование проведены многочисленные встречи в рамках СНГ. В этих саммитах намечены разнообразные направления взглядов и подходов, были приняты более 2000 документов, большинство из которых остаются на бумаге. Так, очень важный документ о создании зоны свободной торговли от 1994 г. не был осуществлен. Узбекистан выступает за последовательное развитие интеграционных процессов, за выработку действенного долгосрочного механизма эффективного функционирования СНГ. Узбекистан против политизации и создания надгосударственных структур Содружества<sup>7</sup>.

В целом, можно отметить, что СНГ сыграл позитивную роль в сохранении экономических, политических и культурных связей стран участников, но вместе с тем необходимо ускорение реализации утвержденных соглашений и выработка эффективных и действенных механизмов их реализации.

**Узбекистан и ШОС.** В 1996 г. Россия, Китай, Казахстан, Кыргызстан и Таджикистан основали организацию «Шанхайская пятерка», цель которой – принятие мер по установлению военного доверия и сокращения вооруженных сил на границах между государствами – членами организации.

---

<sup>7</sup> Annette Born. Uzbekistan: politics and foreign policy. Royal Institute of International Affairs. London. 1998. P.44.

На встрече в Душанбе в 2000 г. «Шанхайская пятерка» была переименована в организацию «Шанхайский форум». В качестве наблюдателя на этой встрече участвовала делегация Узбекистана во главе с Президентом И.А. Каримовым. Узбекистан проявил заинтересованность во вступлении в эту организацию, стремящуюся к созданию широкой зоны безопасности и сотрудничества в Евразии. В результате на встрече в Шанхае в июне 2001 г. Узбекистан стал соучредителем новой организации – «Шанхайской организации сотрудничества» (ШОС). Принятая в ходе встречи Декларация о создании ШОС, а также Конвенция о борьбе против терроризма, сепаратизма и экстремизма были распространены в качестве официальных документов ООН.

В июне 2002 г. на встрече в Санкт-Петербурге был подписан основополагающий документ – Хартия (Устав) организации, принята также Санкт-Петербургская Декларация. Через год на очередном саммите ШОС в Санкт-Петербурге был завершён процесс формирования ШОС в качестве международной организации. Принята также договоренность о перенесении штаба регионального антитеррористического центра в Ташкент, что свидетельствует о признании активных практических действий Узбекистана по борьбе с терроризмом, его международные инициативы по этой проблеме.

Важным этапом в развитии ШОС был Ташкентский саммит глав государств организации в июне 2004 г. В ходе саммита принято 9 документов по дальнейшему развитию между странами-членами ШОС. Главным итогом данного саммита, по определению Президента России В. Путина, было создание еще одного дееспособного инструмента для ведения политики в Средней и Южной Азии<sup>8</sup>.

Учитывая тот факт, что ряд стран мира изъявили желание включиться в ШОС, можно предположить, что в будущем ШОС может стать крупной международной организацией и играть важную роль в международной политике. В то же время ШОС следует консолидировать свои усилия на развитии широкого экономического сотрудничества.

Таким образом, только с обретением государственной независимости появились юридические, экономические, политические и организационные предпосылки для того, чтобы Узбекистан занял достойное место в мировом сообществе в качестве полноправного партнера и стал равноправным субъектом современного международного права. Как результат, республика признана многими ведущими странами мира, установлены дипломатические отношения, Узбекистан принят в крупней-

<sup>8</sup> <http://www.Kremlin.Ru>, ИТАР-ТАСС, 17.06.2004.

шие международные и региональные организации. В то же время, ЕС, ОБСЕ и другим международным организациям необходимо разработать четкую и долговременную стратегию в Центральной Азии, включая такую важную область, как безопасность, охватывая все ее аспекты.

В целях дальнейшего развития международных интеграционных процессов Узбекистан стал соучредителем таких крупных региональных организаций, как СНГ, ШОС, ЦАС. Вместе с тем их эффективность остается невысокой, что вызвано рядом объективных и субъективных причин. Только ШОС достиг определенных успехов в области безопасности. Тем не менее, дальнейшее развитие данных региональных организаций следует продолжить.

Вместе с тем существуют проблемы в развитии внешней политики страны, прежде всего отсутствие больших финансовых средств, что вполне закономерно для страны с переходной экономикой. В СМИ республики, а также в научных кругах широко не обсуждаются проблемные моменты внешнеполитической стратегии страны.

*М. Раҳимов, К. Перимқулова*

#### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚАРО ВА МИНТАҚАВИЙ ТАШКИЛОТЛАРДА

*Мақола Ўзбекистон Республикасини қўп томонлама дипломатиясининг шаклланиши ва ривожланиши жараёنларига бағишланган. Ўзбекистоннинг БМТ, Европа Иттифоқи, ЕХҲТ ташкилотлари билан муносабатлари, шунингдек, мамлакатимизнинг МДҲ, Марказий Осиё ҳамкорлик ва Шанхай ҳамкорлик ташкилотлар фаолиятида иштироки ёритилган. Мазкур халқаро ва минтақавий ташкилотларнинг фаолиятида Марказий Осиё, айниқса Ўзбекистон Республикасида мавжуд хато ва камчиликлар очиб берилган, айрим жиҳатлари ҳатто танқид қилинган.*

*M. Rahimov, K Perimkulova*

#### REPUBLIC OF UZBEKISTAN IN INTERNATIONAL AND REGIONAL ORGANIZATIONS

*After the break-up of the Soviet Union and the achieved of political independence Uzbekistan has possibilities as an independent actor enter to the world community. The Republic's initial effort in foreign policy have been successful. The country was accepted into the main international and regional organizations. At the same time, it is necessary for the EU and OSCE to develop a long-term strategy in the Central Asia, first of all in the security field, which must include all the aspects of the security and stability problems. Uzbekistan was cofounder such regional organization like Shangai Cooperation and Central Asia Cooperation organizations.*

*At the same time there are problems in the development of republic foreign policy, above all because the lack facilities and funds. The official Uzbekistan media does not widely discussed problematic moments in the republic foreign policy strategy.*



*Ёш тадқиқотчи минбари**М. Қаюмов***XX АСР БОШИДА ХИВА ХОНЛИГИДА ИСЛОҲОТЧИЛИК  
ҲАРАКАТЛАРИНИНГ БОШЛАНИШИ  
(Вазир Саид Исломхўжа фаолияти мисолида)**

XX аср бошларида Россияга қарам давлат бўлган Хива хонлигида ижтимоий - сиёсий вазият оғир бўлиб, маҳаллий аҳолининг ҳуқуқсизлиги, таҳқирланиши ҳаддан ошган, хонлик мустамлакачилар учун саноат маҳсулотлари сотиладиган бозор ва хом ашё базасига айланиб қолган эди. Россиянинг мустамлакачилик сиёсати Хива хонлигининг иқтисодий ва маданий тараққиётига жуда катта зарар келтирган бўлса-да, уни тўхтатиб қола олмади. Бутун фаолияти мустамлакачи маъмурлар томонидан чекланган ва назорат остига олинган Хива хони Саид Муҳаммад Раҳимхон II (1864-1910) санъат ва адабиётга ҳомийлик қилди, бир қанча бунёдкорлик ишларини олиб борди. Кўплаб мадраса ва янги усул мактаблари унинг фармони билан очилди.

Саид Муҳаммад Раҳимхон кексайиб, бетоб бўлиб қолгач, давлат ишлари билан фаол шуғуллана олмай қолди ва рус маъмурларининг маслаҳати билан мамлакат бошқарувини ўғли Асфандиёр тўрага топширди<sup>1</sup>. Асфандиёр атрофидаги амалдорлар билан халққа жабр зулми кучайтирди. Бу эса, Россиянинг сиёсий - иқтисодий зулми остида шундай ҳам ҳуқуқсиз ва ночор аҳволда яшаётган Хива хонлиги аҳолиси ҳаётини янада оғирлаштириб юборди. Асфандиёр иродасиз, жоҳил, давлат ишларидан кўра кўпроқ ўз ҳузур халоватини ўйлайдиган киши эди. Хива тахтига бундай кишининг чиқиши империя мустамлакачилари учун айни муддао эди. Чунки, хонликда мустамлакачилик сиёсатини юритишда уларнинг кўрсатмаларидан четга чиқмайдиган хон керак эди. Россия ҳукмрон доиралари Хива хонлигини давлат сифатида тугатиб, империя таркибига қўшиб олиш ниятида эдилар. Бу масала юқори доираларда бир неча марта атрофлича муҳокама қилинди. Ана шу муҳокамаларда Хива хонлигининг иқтисодий қолоқлиги, темир йўл етиб бормаганлиги, алоқа йўлларининг ёмон аҳволдалиги ва бошқа бир

<sup>1</sup> ЎзР МДА . И-2-фонд, 2-рўйхат, 377-иш, 6-варақ.

қанча сабабларга кўра бу ишни бирданига амалга ошириш иқтисодий жиҳатдан зарар, деган хулосага келдилар. Шу сабабли, Хива хонлигини Россия губерниялари қаторига қўшиб олишга тайёрлаш учун ислохотлар ўтказишга қарор қилинади. Саид Муҳаммад Раҳимхоннинг саломатлиги оғирлашиб, хонлик тахтига Асфандиёрни чиқиши аниқ бўлиб қолгач, бу масала янада долзарб бўлиб қолди. Россиянинг Туркистондаги маъмурлари бўлғуси хон амалга ошириши лозим бўлган ислохотлар режасини туза бошладилар. 1910 йил 16 августда Саид Муҳаммад Раҳимхон вафот этгач, Асфандиёр тўра тахтга чиқади. Россия ҳукумати Асфандиёрни Хива хони деб тан олишдан аввал унга мамлакатда айрим соҳаларда ислохотлар ўтказишни шарт қилиб қўяди<sup>2</sup>.

Асфандиёрхон ислохотлар ўтказишга розилик берди. Ўтказиладиган ислохотлар режасини тузиш ва амалга ошириш давлат бошқарувида катта тажрибага эга бўлган ва рус тилида эркин гаплаша оладиган Ислохотхўжага топширилди<sup>3</sup>. У Хива хонлигида XX аср бошида вужудга келган, ёш хиваликлар деб номланган тараққийпарварлик ҳаракатининг етакчиларидан бири эди. Ёш хиваликлар истибод, қоқоқлик, зулм ва зўравонликка чек қўйиб, мамлакатни тараққий эттириш, халқ аҳволини энгиллатиш каби талаблар билан чиқдилар. Ёш хиваликлар ҳам ислохот тарафдори эдилар. Бироқ, тараққийпарварлар билан мустамлакачи ҳукуматнинг ислохотларни амалга оширишдан кўзлаган мақсадлари бошқа-бошқа эди. Тараққийпарварларнинг мақсади хонликни замонавий давлатлар қаторига чиқариш бўлса, мустамлакачиларнинг мақсади Россия савдо-сотиқ доираларига қулай шароит яратиш, хонликни империя таркибига қўшиб олишга тайёрлаш эди. Ислохотхўжа 10 банддан иборат ислохотлар дастурини тузади. Мазкур дастурда амалдорларга маош тайинлаш, ерларни ўлчаб, солиқларни тартибга солиш, замонавий касалхоналар, янги усул ва рус-тузем мактабларни очиш, хон даромадларини ҳисобга олиш ва бошқа ишларни амалга ошириш белгиланган эди<sup>4</sup>. Ислохотхўжа дастурда белгиланган ишларни бажаришга ғайрат билан киришади. Ўрнига қозикалон Салим охунни қўйиб, 1910 йили Асфандиёрхон қолган мулозимлари билан Петербургга савфар қилади. У ўзи билан бирга Россия подшосига совғалар ва 100 минг сўм пул олиб боради. Тадбиркор Ислохотхўжа Россия подшоси Николай II га ана шу пулга Хива шаҳрида унинг ўғли шаҳзода Алексей но-

<sup>2</sup> ЎзР МДА, И-2-фонд, 2-рўйхат, 291- иш, 74-варақ.

<sup>3</sup> ЎзР МДА 1-фонд, 31-рўйхат. 1104-иш. 2-варақ.

<sup>4</sup> Ичан қалъа музейи фонди инв.№ 4133.

мига касалхона қуришни таклиф қилади. Подшо Исломхўжани таклифини маъқуллаб, Хивада 50 ўринли касалхона қуришни буюради.

Саид Исломхўжа касалхона биноси режасини Россияда чиздириб келиб, қурилишни бошлайди. 1912 йилда 50 ўринли эркаклар учун, 25 ўринли аёллар учун касалхона битказилиб, ишга тушади<sup>5</sup>. Россиядан касалхонада ишлаш учун бир аёл ва бир эркак врач таклиф қилинди<sup>6</sup>. Ичан қалъа музейи фондида врач А.Ф.Анисимов билан Хива ҳукумати номидан Саид Исломхўжа ўртасида тузилган 8 банддан иборат шартнома матни сақланмоқда. Шартнома бандларига кўра врач Анисимов даволаш ишларида Хива ҳукумати талабларини бажариш, хон амалдорларидан бирортаси оғир касал бўлса, уйига бориб даволаши сингари бир қатор мажбуриятларни олади.

Хива ҳукумати эса врачга фаолият олиб бориши учун барча шароитларни яратиб бериш мажбуриятини олади<sup>7</sup>. Бу касалхонада аввало амалдорлар, сўнгра оддий халқ ҳам даволаниш имкониятига эга бўлишди. Врачлар халқ орасида катта ҳурматга сазовор бўлишган. Узоқ вақт Амударё бўлими бошлиғи вазифасида ишлаган Н. Ликошин бу ҳақда шундай ёзади «Шифокор Анисимов аъло даражада даволай олади. Жарроҳлик ишларига ҳам ғоятда моҳир. Шу боиским, тез орада халқ орасида катта ишончга сазовор бўлди. Унинг шифохонасида уч ой мобайнида 10909 нафар бемор даволанди. Улардан 4747 нафари аёллар эди»<sup>8</sup>. Бу касалхона ҳақида Хива тарихчиси Баёний «тамоми халойиқ хушҳол бўлиб, эркак ва аёллар бемор бўлса, келиб шифо топиб кетар эдилар» -деб ёзган эди<sup>9</sup>.

Касалхона ёнида Исломхўжа раҳбарлигида почта, телеграф барпо қилинди<sup>10</sup>. Исломхўжа мамлакат тараққиёти ёшларнинг билимига ва маърифатига боғлиқ деб билади. Шунинг учун у ёшларга замонавий билим асосларини берувчи янги усул ва рус-тузем мактабларини очишга ҳаракат қилади. 1911 йил январ ойида Саид Исломхўжа Туркистон генерал губернатори ҳузуридаги дипломатик амалдорга Хивада янги усул мактаби ёки гимназия очмоқчилигини билдиради. Бу ҳақда дип-

<sup>5</sup> Болтаев А. Хива тарихига оид материаллар қўлёзмаси. ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фонди. № 11645. 46-бет.

<sup>6</sup> Баёний М.Ю. Шажарайи Хоразмшоҳий. Тошкент: Ф.Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 102-бет.

<sup>7</sup> Ичан қалъа музейи фонди. КП. № 3665.

<sup>8</sup> Абдурасулов А. Хива. Тошкент: Ўзбекистон. 1997. 92-93-бетлар.

<sup>9</sup> Баёний. Ўша асар. 102-бет.

<sup>10</sup> Болтаев А. Ўша асар, ўша жойда.



ломатик амалдор Туркистон генерал губернаторига маълум қилади. «Исломхўжа Хивада нафақат хоннинг ва амалдорларнинг фарзандлари билим оладиган, бошқа хивалик ёшлар ҳам билим олиш имкониятига эга бўладиган мактаб очиш ниятида менга мурожаат қилди. У ёшларга замонавий фанларни ўқитилса, мамлакат тараққиёти учун фойдали бўлади, деган фикрда»<sup>11</sup>. Исломхўжа ташаббуси билан Хива марказида қўш қаватли қилиб европача усулда рус-тузем мактаби қурилди. Бу мактабда арифметика, ҳуснихат, Хиванинг қисқача тарихи, жўрофия, чизмачилик, қурилиш ишлари ва рус тили 2 йиллик дастур ассотида ўргатилган.

Исломхўжанинг моддий кўмаги билан янги усул мактаблари очилди. Бу янги усул мактабларида ўқитиш учун Исломхўжа татар муаллимларини таклиф қилади. Татар муаллимлари Хива хонлигида ўқитиш ишлари билан биргаликда, сиёсий ишлар билан ҳам шуғулландилар. Бу ҳақда Амударё бўлими бошлиғи Туркистон генерал губернаторига шундай маълумот беради: «Хива хонлигидаги жаид мактаблари муаллимларини қарийб ярмини татарлар ташкил этади. Улар хонликда ўқитувчилик фаолияти билан бир қаторда сиёсий ташвиқот ишларини ҳам олиб бормоқдалар. Вазири акбар Исломхўжа янги усул мактабининг ва уйдаги фарзандларининг ўқитувчиси ёш татар муаллими Абдурашитовнинг фаолияти алоҳида эътиборга эга. Афсуски, Абдурашитов ўқитувчилик ишларидан ташқари Хива хонлигини ички сиёсатида ҳам фаол қатнашмоқда. У Исломхўжанинг уйда яшаб, яширин кенгаш ўтказиб туради. Бу кенгашда Абдурашитов маслаҳатчи ва раҳбарлик қилади. Исломхўжа иштирокидаги кенгаш мажлисларида асосан Хива-Россия муносабатлари муҳокама қилинади. Айрим маълумотларга кўра кенгаш раҳбари Абдурашитов йиғилган хиваликлар онгига Хива хонлигини Россияга қарамликдан озод қилиш ва хонликни тараққий эттириш сингари ғояларни сингирмоқда»<sup>12</sup>.

Исломхўжа ташаббуси билан Хивада кўпгина меъморий қурилишлар барпо этилиб, унинг номи билан аталди. 1906-1908 йилларда қурилган мадраса, масжид ва минора бугунги кунда ҳам ўз кўркини йўқотмаган. Айниқса, Исломхўжа минораси бутун шаҳар қиёфасини безаб туради. Минора кўк-яшил кошин сополчалар билан безатилган, баландлиги 57,5 метр бўлиб, Ўрта Осиёдаги энг чиройли миноралардан бири ҳисобланади. Эндиликда бу минора Хиванинг рамзига айланиб қолди.

<sup>11</sup> ЎзР МДА. И-2-фонд, 1-рўйхат. 291-иш. 186-варақ.

<sup>12</sup> Туркестанский курьер. 1913 год, 21 августа.

Шунингдек, Исломхўжа раҳбарлигида Нуриллобой саройида Европа-Хива услубида ёзги қабулхона, уни ёритиш учун биринчи электр станцияси қурилди<sup>13</sup>.

Хива хонлигида 1910-1911 йилларда қурғоқчилик бўлди. Экилган буюдони қарийб барчаси, пахта, жўхори ва бошқа экинларни катта қисми нобуд бўлди. 1911-1912 йиллар тарихга «қаҳатчилик» номи билан кирди<sup>14</sup>. Исломхўжа раҳбарлигида Россиядан буюдой келтирилиб, фуқароларга тарқатилди.

Юқорида кўрсатиб ўтилган почта, телеграф, дорихона, касалхона, мактаблар, йўл, кўприклар қуриш ва бошқа ишларни амалга ошириш катта маблағ талаб қилар эди. Шу сабабли Саид Исломхўжа хонлик хазинасидан даромадни кўпайтириш учун солиқларни тартибга солиш мақсадида хонликдаги ерларни ҳисобга олиш ва аҳолини рўйхатга олиш ишларига тайёрлана бошлайди<sup>15</sup>. Бироқ, Исломхўжани хонликдаги ерларни ҳисоблаб чиқиш ва аввалги солиқ тизимини ўзгартириб, ер эгаллигини ҳар қандай шаклидан қатъий назар, барчадан тенг солиқ олиш ҳақидаги режалари катта ер эгаларида норозилик уйғотди<sup>16</sup>. Чунки улар катта ҳажмда ерларга эгалик қилган ҳолда, давлат хазинасига солиқ тўламас эдилар. Исломхўжа бу ҳақда Амударё бўлими бошлиғига ёзган мактубида шундай дейилади: «Биз амалга ошираётган ислоҳотлар аввалги хон даврида катта ерларни эгаллаб олган амалдорлар манфаатларига зид келади. Шу сабабли норози бўлган амалдорлар томонидан бир қанча махфий мажлислар ўтказилиб, унда халқни ислоҳотларга қарши қўзғатишга қарор қилинган»<sup>17</sup>. Исломхўжани мамлакат фаровонлиги йўлида олиб бораётган ишларидан Асфандиёрхон ҳам норози эди. У хонликда ўзгаришлар қилишга «Русия ҳукуматининг маъқул кўрганига мувофиқ» ва Саид Исломхўжанинг бевосита таъсири остида рози бўлган эди. Бу ҳақида «Туркестанский курьер» газетаси шундай ёзади: «Янги хон халқ аҳолини яхшилашга бефарқ қарайди. Агар бу соҳада бирор бир иш амалга оширилаётган экан, бу фақатгина рус ҳукуматининг тазйиқи остида бўлмоқда»<sup>18</sup>. Амалга оширилаётган ишларга катта миқдорда маблағ зарур эди. Исломхўжа ўзининг сарой-

<sup>13</sup> Юсупов П. Ёш хиваликлар тарихи. Урганч. 2000. 59-бет.

<sup>14</sup> Садыков А.С. Россия и Хива в конце XIX–начале XX века. Ташкент: Фан. 1972. С.156.

<sup>15</sup> История Узбекской Республики. Т. I. Изд-во АН УзР. Ташкент, 1956. С. 326.

<sup>16</sup> ЎЗР МДА 2-фонд, 1-рўйхат, 289-иш. 207-варақ.

<sup>17</sup> Ўша жойда.

<sup>18</sup> Погорельский И.В. Очерки экономической и политической истории Хивинского ханства конца XIX и начала XX века (1873–1917 гг.). Л.: Изд-во ЛГУ, 1968. С.72.

да тутган мавқеидан фойдаланиб, Асфандиёрхонга хазинадаги пулларни беҳуда сарфлашга йўл қўймади. Хазинада мавжуд пуллардан ўз эҳтиёжидан зиёд бердирмади, майшат, ичкиликбозлик қилишдан қайтарди<sup>19</sup>. Ҳатто, бир сафар Асфандиёрхон амалдорларидан бирига 500 сўм ҳадя қилади. Ислохўжа бу ҳақида хабар топиб, ҳадя олган амалдорни ҳузурига чақиради ва пулни қайтариб олиб, хазинага топширади. Сўнгра саройга бориб, хонга «давлат муҳим ишларни амалга ошириш учун пулга муҳтож бўлиб турган бир пайтда бундай катта миқдорда пулларни ҳадя қилишингиз яхши эмас» деб танбеҳ беради<sup>20</sup>. Ислохўжанинг бундай хатти-ҳаракатларидан норози бўлган Асфандиёрхон уни йўқотиш пайига тушади. Асфандиёрхон билан Саид Ислохўжа ўртасида низо пайдо бўлади. Саид Ислохўжа 1913 йил 9 августда Асфандиёрхон ёллаган қотиллар томонидан ваҳшийларча ўлдирилади<sup>21</sup>. Унинг яқин кишилари, қариндош-уруғларини хон таъқиб остига олди. Ислохўжа томонидан тайинланган Шовот, Гурлан, Маноқ, Тахта, Қўнғирот беклари ва Дарғон ота ноиби вазифасидан бўшатилдилар. Укаси Исоқхўжанинг 25000 таноб ери тортиб олинди<sup>22</sup>. Исоқхўжа ерини тортиб олишга сабаб, у акаси қотилини излашга жазм қилганлигидир.

Асфандиёрхон томонидан Дишан қалъада Ислохўжа қурдирган мадраса буздириб ташланди<sup>23</sup>. Мадраса режасини хон ўзи тасдиқлаган ва қурилишни бошлашга буйруқ берган эди. 1911-1913 йиллар давомида қурилган мазкур мадрасага оддий халқнинг меҳнатидан ташқари 190 минг сўм сарфланган эди<sup>24</sup>. Ислохўжа ўлиmidан сўнг Асфандиёрхон мадрасани бориб кўради ва «ёрашимлиқ бўлмаган» деб, бузишга буйруқ беради<sup>25</sup>. Асфандиёрхон мадрасага сарф бўлган пулларни Ислохўжанинг ўғли Абдусаломхўжадан тўлатиб олади<sup>26</sup>. Ислохўжа бошлаган ишлар бажарилмай қолиб кетди. Темир йўллар ўтказиш, кўприклар қурилмай қолди. Хонликдаги ерларни ҳисоблаш тўхтатилди. Бу ишлар билан Ислохўжа ўлиmidан сўнг ҳеч ким шуғулланмади<sup>27</sup>.

<sup>19</sup> Юсупов П. Ўша асар. 59-бет.

<sup>20</sup> ЎзР МДА. 2-фонд, 1-рўйхат. 343-иш, 6-варақ.

<sup>21</sup> Ўша жойда 3-варақ.

<sup>22</sup> ЎзР МДА. 2-фонд, 2-рўйхат, 475-иш, 18-варақ.

<sup>23</sup> Болтаев А. Кўрсатилган қўлёзма. 56-бет.

<sup>24</sup> ЎзР МДА. 2-фонд, 2-рўйхат, 475-иш, 8<sup>а,б</sup>-варақ.

<sup>25</sup> Болтаев А. Кўрсатилган қўлёзма. 57-бет.

<sup>26</sup> Юсупов П. Ўша асар. 69-бет.

<sup>27</sup> ЎзР МДА И-1-фонд, 31-рўйхат, 1104-иш. 15-варақ.



Асфандиёрхон даврида фаол сиёсат олиб борган Саид Исломуҳжа мамлакат фаровонлиги йўлида имкон доирасида жон куйдирди. У тажрибали ва тараққийпарвар давлат арбобларидан бўлиб, Хива хонлиги ҳаётига қатор янгиликлар олиб киришга ҳаракат қилди. Саид Исломуҳжа хонликни жаҳолат ва қолоқликдан қутқариш учун чуқур ислохотлар бошлаш зарурлигини яхши тушунарди ва хондан хазинани шахсий кайф-сафо учун эмас, мамлакат ривожини йўлида сарфлашни талаб қилади. Бу, албатта хонга маъқул келмади. У ўз шахсий манфаатларини устун қўйиб, Исломуҳжадан қутулиш йўлини афзал билди. Лекин, Исломуҳжа бошлаган ишлар хонликда ислохотчилик ҳаракати учун замин ҳозирлади.

*М.Каюмов*

**НАЧАЛО РЕФОРМИСТСКИХ ДВИЖЕНИЙ В ХИВИНСОМ ХАНСТВЕ В НАЧАЛЕ XX ВЕКА (НА ПРИМЕРЕ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ВЕЗИРА СЕИДА ИСЛАМХОДЖА)**

*Впервые в отечественной историографии всесторонне освещается деятельность одного из лидеров реформаторского движения в Хивинском ханстве в начале XX в. Исламхаджы. Статья написана на основе богатых источников, что свидетельствует о её научной обоснованности.*

*М.Қаюмов*

**THE BEGINNING OF REFORMATION MOVEMENTS IN THE KHIVA KHANATE IN THE BEGINNING OF XXTH CENTURY (ON THE EXAMPLE OF ACTIVITY OF VESIR SAID ISLAM KHODJA)**

*The paper is the first in national historiography to highlight Islamkhudja's actives as leader of reformation movement in the Khiva Khanate at the beginning of the 20<sup>th</sup> century. The paper's content is based on the rich sources what represents the evidence of scientific well-groundness.*

*Р. Турсунов*

### ЖАДИДЛАРНИНГ ТУРКИСТОН ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ҲОЛАТИГА ҚАРАШЛАРИ

XIX аср охири ва XX аср бошида Туркистонда, Хива ва Бухоро хонликларида шунингдек, чор Россиясининг ўзида ҳам сиёсий вазият кескинлашиб бораётган бир вақтда Туркистон халқларининг ижтимоий-иқтисодий, маънавий ва маданий тараққиётида кескин бурилишга сабаб бўлган ҳаракат юзага келди.

Бу даврда Туркистондаги иқтисодий вазиятнинг ёмонлашуви халқнинг ижтимоий аҳволига ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Ўша давр тадқиқотчиларидан бири Туркистон деҳқон ва ҳунармандлари аҳволи ҳақида тўхталиб, «Иқтисодий танглик ва моддий қашшоқлик, оғир меҳнат натижасида тўпланган бойликларнинг барчаси унча кўп бўлмаган эксплуататорлар қўлига топширилиши яқин келажакда жуда жиддий оқибатлар келтириши мумкин» деб ёзади<sup>1</sup>.

Россия империясининг Туркистонда олиб борган мустамлакачилик сиёсати ўлка халқларининг қашшоқлашувига сабаб бўлди. Туркистон аҳолисининг 90 фоизини ташкил этган деҳқон ва чорвадорларнинг аҳволи тобора мушкуллашиб борди. Туркистон ҳунармандларининг аҳволи ҳам қийин бўлиб, рус саноати молларининг рақобати уларни хонавайрон қилиб, кўпчилигини ишчилар ва мардикорлар сафига қўшиб қўйди. Озиқ-овқат таъминоти қийинлашуви, нарх-навонинг ошиб кетиши чайқовчиликни юзага келтирган<sup>2</sup>.

Жадидларнинг Туркистонда давлат қурилиши тўғрисидаги хулосаларга келишида, ўлканинг иқтисодий ривожланишини кузатишлари муҳим аҳамият касб этган. Жадидлар жамият тараққиётининг муҳим жиҳати бўлган иқтисодий тараққиётга алоҳида эътиборни қаратганлар. Улар ҳар бир давлатни, миллатни ижтимоий-иқтисодий аҳволи фаровон бўлиши учун бу давлатда савдо, саноат ва деҳқончилик ривож топмори кераклигини эътироф этадилар.

Жадидлар XX аср бошида Туркистондаги иқтисодий-ижтимоий аҳволнинг издан чиққанлигини, ночорлигини англаганлар ва матбуотда миллатнинг иқтисодий билимларини бойитиш, онгини ошириш

<sup>1</sup> Слуцкий И. М. Хлопководство в Туркестане // Туркестанское сельское хозяйство. 1911. №4. С. 352.

<sup>2</sup> Мустабид тузумнинг Ўзбекистон миллий бойликларини талаш сиёсати: тарих шоҳидлиги ва сабоқлари. Тошкент: Шарқ, 2000. 165-бет.

мақсадида турли хилдаги мақолалар чоп этиб турганлар. Бу орқали Туркистон халқларининг иқтисодий тафаккурини, онгини оширишга ҳаракат қилганлар. Бу ҳақда объектив тасаввур ҳосил қилиш мақсадини ўз олдига қўйган Убайдулла Хўжаев Қўқон, Андижон ва Наманганга бориб вазиятни ўз кўзи билан кўрган. Иқтисодий ҳолатни ўрганиш уни бутун Туркистонда мусулмонлар ҳаддан ташқари оғир шароитларда яшаётганлиги ҳақида қайғули хулосага олиб келди<sup>3</sup>.

Ражабзода Ниёзий эса Туркистонда кескинлашиб бораётган ижтимоий-иқтисодий вазиятдан қутулиш учун аввало иқтисод, савдо, деҳқончилик ва саноат ривожига алоҳида эътибор бериш ҳамда бу соҳаларни ривожлантириш йўлида тинимсиз ҳаракат қилиш, назарий билимларни амалиётда қўллаш ижобий натижалар беришини таъкидлайди. Бундай вазиятнинг сабабларини таҳлил этиб шундай хулосага келади:

Биринчидан, даврлар ўтиши билан инсон эҳтиёжининг ўзгариши, Туркистон халқларининг бу даврда фойдаланаётган саноат техникаларининг замон ва эҳтиёжларга мувофиқ келмаслиги, яроқсизлиги;

Иккинчидан, Туркистонда илм-фаннинг, саноат техникасининг ислоҳига, ривожига эътибор берилмаслик.

Ражабзода Ниёзий қолоқ иқтисодий аҳволдан чиқиш йўллари ҳақида фикр юритади. Унингча, ҳар бир давлат, миллат тараққий этиши учун албатта унинг бойлиги, сармояси бўлиши лозим. Бу сармояни топиш учун қон тўкиш ёки жон бериш шарт эмас, балки иқтисодий фаолият деган қонуний ва муборак таълимотни чуқур ўрганиш керак. Иқтисод сўзининг луғавий маъноси бирор нарсани бир меъёрда сақлаш, умумий маъноси тижорат ва зироатни ривожланган даражага кўтаришдир.

«Олам тижоратда (иқтисод) илмига воқиф бўлмаган зот миллиунларча оқча ва сарватга<sup>4</sup> молик бўлса ҳам иш кўра билмас ожиз бўлур. Чунки илми иқтисод сарват оқчанинг нечун ҳосил бўлмоғини ва нендаин қавозд<sup>5</sup> ва шароит илан кунда тақсим ўлинмоқ хусусларинда баҳс қиладур. Оврўпо, Руссияда қанча фабрикалар ва мунча машиналар ва мингларча асбоблар ва санъатлар кўрурсиз, булар ҳаммаси иқтисоднинг бир кетидан амалга келган нарсалардур. Оврўпо давлатлари бу кун икки илмнинг соясига ёпушурлар бири сиёсий ва дигари<sup>6</sup> иқтисодийдур. Сиёсатлар ҳам иқтисодга боғлийдур. Иқтисодсиз сиёсат

<sup>3</sup> Ўзбекистон давлатчилиги тарихи (очерклар). Масъул муҳаррирлар: Д.А. Алимова, Э.В. Ртвеладзе. Тошкент: Шарқ, 2001. 156 - бет.

<sup>4</sup> Сарват – бойлик

<sup>5</sup> Қавозд – қоида.

<sup>6</sup> Дигари – бошқа, бўлак, яна, ўзга, яна бири.



йўлга кетмас»<sup>7</sup>. Шу билан у сиёсатнинг иқтисодга боғлиқлигини, муайян сиёсатсиз иқтисод ривожланмаслиги ҳақида жуда тўғри хулоса қилади. Лекин, мустамлака ҳокимиятини Туркистон иқтисодиётининг ривожлантириш сиёсати бир ёқлама эди. У фақат хом ашё базаси сифатида Россия манфаатларини қондириш учун хизмат қилиши лозим эди. Бу фикрни муаллиф ривожлантирмаган. Аммо, Туркистонда савдо, саноат ва деҳқончилик соҳалари тарқоқ ҳолда эканлигини, бундай вазиятда миллат равнақ топиш ўрнига фақирлик, қолоқликка юз тутишини куюниб ёзади. Агар, миллат иқтисодий билимларни чуқур эгалламаган бўлса, қанча бой-бадавлат бўлишидан қатъий назар ривожланиши мушкул бўлади. Шу нуқтаи назардан миллатнинг ҳар бир вакили иқтисодий илмга эга бўлиши ҳамда ушбу назарий билимларни ҳаётий фаолиятда қўллай билиши кераклигини кўрсатади.

Жадидларнинг йирик намояндаларидан бири бўлган Маҳмуджўжа Беҳбудий Туркистонда очилган банкларнинг қай даражада аҳамиятга эга эканлигини, ундан қандай фойдаланиш кераклигини, халқнинг банклар билан узвий алоқа олиб боришларини айтади. Чунки, мана шу банклар орқали бошқа миллатлар тараққий этаётганлигини таъкидлайди. «Бас, нима бизни барбод этди? Нодонлик, ҳисобсизлик тўғриси ақл ва тарбиясизлик барбод этди. Айб банкда йўқ, бизда. Чунки бошқа миллатлар банклар сабаби ила обод бўлуб, давлати ва мулки ортиқ. Аммо биз зоҳиран<sup>8</sup> банклар сабаби ила барбод ва фақир бўлурмиз»<sup>9</sup>.

М.Беҳбудий бу ҳолни асосий сабабини Туркистондаги тарбиясизлик, илмсизлик, ҳисоб-китобни, фойда ва зарарни яхши билмаслик, савдо-сотик иши, аҳли замонадан беҳабарлик, нодонлик ва жаҳолат ботқоғига ботганликда деб баҳолайди.

Унинг фикрича, банк орқали рус, яҳудий, арман ва бошқалар бойлик орттирган бўлсалар, Туркистон халқи бунинг акси, яъни бойликларидан, мулк ва обрўларидан ажралганлар. Чунки, халқ ўз қўлидаги мулк ва бойлигини тўйга, азага, шунингдек, беҳуда вақтларга сарфлаган. Қарз олиб иморат қурган, тўй қилган. Халқ шу каби исрофгарчиликларга йўл қўйиб, охир оқибат фақирликка юз тутган ва айбни банкка юклаганлар. Рус, яҳудий, арман халқи ҳеч қачон тўй деган балога 5 минг сўм ёки 1-2 минг сўм сарф қилмаганлар. Туркистонда эса тўйлар-

<sup>7</sup> Ражабзода Ниёзий. Санойэ миллиямиз ёхуд фаолияти иқтисодий // Садои Фарона. 1914. № 65. 26 сентябр. 1-2-бетлар.

<sup>8</sup> Зоҳиран – зоҳирда, сиртдан, ташқи кўринишдан.

<sup>9</sup> Беҳбудий. Оқ бонг (банк) лар бизни барбод этди! // Ойина. №19. 1 март. 342–344-бетлар.

да 20 минг сўмлаб пул сарфланган<sup>10</sup>. Шуни назарда тутиб М. Беҳбудий «тўй деган балога» деган иборани қўллайди. Бундай танқидий қарашни у ислом қонунларига ва муқаддас Қуръони каримга асосланиб айтади<sup>11</sup>.

М.Беҳбудий банкларни афзаллигини оддий ва тушунарли мисол орқали асослашга ҳаракат қилади. «Абдуллабой Баззознинг ўзида беш минг сўм сармояси бор. Дўконидан 500 сўмлик молни 6 ой ваъда ила насяга сотди. Албатта, бу сотилган молга ақлан 50 сўм фойда қўйиб эдики, юздан ўн юзасидан бўлур. Энди дўкондаги мол озайди, яъни мол олмоқ учун ақча йўқ. Контурдан нася олса, улда нақдига нисбат 7-8 ҳисса қиймат қилиб берур. Масалан, 400 сўмлик молни 6 ойга 470 сўм, балки зиёда қилиб берур, ҳамда яхши молга ёмонин қўшар, агарда Абдуллабой Баззоз банкга, сотган моли учун олган вексилени қўйса, 6 ойга банк 500 сўм нақд бериб фақат 15 ё 20 сўмгина фойда сақлайдурки, бизни Баззозимиз ушбу пулга 4-5 контурдан чеккасига чертиб, силаб молни арзон нархга олур. Ана банк ҳикмати ва кўрклиги шундан иборатдур»<sup>12</sup>.

М.Беҳбудийнинг юқорида келтирган мисолидан шуни англаш мумкинки, Абдуллабой нася сотган маҳсулотлари учун харидордан қимматбаҳо қоғоз, яъни вексил олган, лекин у иқтисодий илмни яхши билмаганлиги учун, идоралардан насяга мол олганда иқтисодий зарар кўриши мумкин. Агар, Абдуллабой иқтисодий илмга эга бўлганида, ҳамда банкнинг фаолияти, вазифалари, афзалликлари нимадан иборат эканлигини билганда, иқтисодий зарар кўрмасди, балки векселни банкка қўйиб, нақд пул олиб, хоҳлаган идорасидан сифатли маҳсулотларни арзонлаштириб олиш имкониятига эга бўларди. Шу билан муаллиф банклар фаолияти ва иқтисодий билимларни билмаслик инсонлар учун қанчалик зарар эканлигини кўрсатиб беради.

Жадидлар Туркистон халқларининг ижтимоий-иқтисодий барқарорлигини таъминлаш мақсадида ҳар шаҳарда, қишлоқларда ширкатлик банклар ва хайрия жамиятларини очиш зарурлигини таъкидлайдилар.

«Садои Фарғона» газетасининг 1914 йил 59-сонида «Фарғонада банк очмоқ» номли мақола чоп этилган бўлиб, унда банк ва хайрия жамиятларини очиш юзасидан қуйидагилар баён қилинган. «Ҳар шаҳар ва

<sup>10</sup> Ўша жойда.

<sup>11</sup> Қуръоннинг «Исро» сурасининг 29- оятида шундай ёзилган: «Қариндошинг ҳаққини адо эт, мискин бечоралар, йўловчи мусофирларга ҳам, (мурувват кўрсат) лекин сира исроф этма, зеро, исроф қилувчилар шайтоннинг биродарларидир.»

<sup>12</sup> Беҳбудий. Оқ бонг (банк) лар бизни барбод этди! // Ойна. №19. 1 март. 342-344-бетлар.

қишлоқларда ширкатлик банклар очмоқ лозимдир ва бундай банкларни очиб ҳар қандай муҳтожларга ёрдам бермоқ мумкиндир. Бу банкни очмоқни хоҳлагувчилар бўлсалар, «Садои Фарғона» идорасига мурожаат қилсалар, шундай банкларни очмоқга даркор бўладиган дастуруламал китобларни кўрсатурмиз ва бунга қараб очсалар бўладир. Бундай банкни очган вақтда ҳар қандоғ одам ўз бисотида бекор турадиган пулини келтириб қўйса бўладир.... Ҳар бир шаҳарда жамияти хайриялар очиб шундай пулларни шул банкларда ишлатиб кўпайтирмоқ ва саломат сақламоқ мумкиндир. Агар Фарғона музофотининг қайси шаҳрида жамияти хайрия очмоқга ихтиёр қилувчилар бўлса (Садои Фарғона) идорасига мурожаат қилсалар, маслаҳатини қилиб тегишли жойдан жавоб сўраб бермоқ мумкиндир»<sup>13</sup>.

Миллий тараққийпарварлар яна бир масаланинг муҳим аҳамияти ҳақида кўп муҳокама қилганлар - бу мамлакат халқ хўжалигида замонавий технологиялардан фойдаланишдир.

Чўлпон Туркистонда зироат, яъни деҳқончилик масаласида тўхталиб, нима сабабдан бизнинг туркистонлик зироатчилар деҳқончилик ишларида замонавий техникалардан фойдаланмайдилар?-деган саволни қўяди.

У «Ватанимиз Туркистонда зироат ва деҳқончилик ишлари» мақоласида Америка ва Россия деҳқонлари замонавий техникалардан фойдаланишларини, биз ўн киши ўн кунда қиладиган ишларимизни Америка ва Россия деҳқонлари икки киши ўн соатда қилишларини, ҳосилни ўриш, чопиш, териш, экиш каби ишларни замонавий техника ёрдамида тез ва осон амалга оширишларини, туркистонлик деҳқонлар оддий меҳнат қуроллари асосида ҳосилни кеч йиғиштириб олишларини баъзида қор, ёмғир ёғиб қолса, ҳосиллари далаларда исроф бўлиб қолиб кетишини айтади. Шунинг учун Туркистон деҳқонлари ҳам деҳқончилик ишларида бошқа миллатлар каби замонавий меҳнат қуролларида фойдаланишлари зарур деб таъкидлайди. Чўлпон ушбу фикрларни матбуот саҳифаларида ёзибгина чекланмади, балки мазкур масала юзасидан қишлоқларда юриб, кўп деҳқонлар билан фикр алмашади ва деҳқонлар билан бўлган мулоқот натижаларини қуйидагича тасвирлайди: «Қишлоқларда юриб ўзим кўп деҳқонлар билан кўрушуб фикр алишдим. Энди аларни фикрларини уйлаган миллатпарвар киши кўзларидаги қонлик ёшларини оқузмай мумкин эмас. Алар этадурларки «дуруст»<sup>14</sup> зироат машиналари фойдалиқ экан аммо, пул керак бизнинг қўли-

<sup>13</sup> Фарғонада банк очмоқ // Садои Фарғона. 1914. №59. 14 сентябр. 1-бет.



мизда бўлса нақд тайёр пул йўқдур». Мен айтдим экин вақтида пул бўлур ёки пул ўрнига экилган экинлардан олиб бориб берсангиз ҳам мумкинку. Улар ушбу таассуфлик ёмон жавобни берадурлар. «Пахта эксак ғўзапоясигача, бурдой эксак сомониғача қарзимиз бадалига хўжайинларимиз бойларга олиб боруб берамиз. Яна иккинчи экинга берадургон бўлиб бойлардан пул олиб қиш ичи бола-чақаларимиз ила минг машаққат ва минг қийинчилик ила овқат<sup>15</sup> ўтказамиз. Қиш чиққандан кейин бола-чақаларимиз ила ишга тушамиз, болаларимиз ўқишдан қоладурлар. Мардикор олсак яна сарф зиёда бўладур. Пул йўқ. Ноилож болаларимизни далага олуб чиқиб қўш ҳайдаш, ғўза чопиш, чигит экиш шунга ўхшаш қийин ишларга қўямиз. Чигитга пул деб борсак хўжайинлар сўкиб ҳар турли ҳақоратлар ила йигим-терим вақтида 100 сўм қилиб беришга, 40-50 сўм берадурлар. Иккинчи они олиб чиқиб бир кун ҳам қишлоқда сақлай олмаймиз. Яна бу аҳволнинг устига бир тўй-мўй бўлиб қолса, тамом оч-яланғоч ер савалармиз, бойлар қўлинда кўчаларда тиланчи-гадо бўлиб қолармиз «қани мунга чора?» дейдурлар<sup>16</sup>.

Юқорида келтирилган маълумотлардан XIX аср охири XX аср бошида Туркистондаги ижтимоий аҳволнинг қандай ҳолатда эканлигини яққол кўриш мумкин.

Чўлпон Туркистон меҳнаткашларини бундай аянчли вазиятдан олиб чиқиш учун барча тараққийпарвар ёшларга мурожаат қилиб, сизлар ҳам ёзсангизлар ҳар доим бечора мазлум деҳқонларни пулдорлардан қуллик, асирликдан қутулиш йўллари тўғрисида ёзинглар деб даъват қилади.

У «Бизлар учун тараққий қилмоқ ҳозирги замонда жорий бўлиб кўзга кўриниб турган, янгидан ихтиро қилинган саноатларни илмини ўрганмоқ ва замонамизга ва тижоратимизга зарур бўлган илмлардан ўрганиб, мундан кейин келадиган ёшларимизга ўргатмоқдир» деган хулосага келади<sup>17</sup>.

XX асрнинг боши-тезкор равишда машина технологияларни халқ хўжалигига кириб келиши даври бўлган. Америка, Россия, Европа давлатларида фан-техника тараққий этиб, саноатда турли ишлаб чиқариш техникаларини ихтиро қилганларини, бу эса қўл меҳнатидан фойдала-

<sup>14</sup> *Дуруст* – тўғри.

<sup>15</sup> *Овқат* – вақт.

<sup>16</sup> Чўлпон. Ватанимиз Туркистонда зироат ва деҳқончилик ишлари // Садон Фарғона. 1914. №13. 7 май. 2-қисм. 2-бет.

<sup>17</sup> Тараққийпарварлик // Садон Фарғона. 1914. №79. 2 ноябр. 3-бет.

нишни камайтириб, ишлаб чиқариш техникаларидан фойдаланишни кенгайтирган. Янги ихтиро қилинган ишлаб чиқариш техникаларидан фойдаланиш натижасида қўл меҳнатига қараганда сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқарилган, қўл меҳнати асосида маълум бир маҳсулотни ишлаб чиқаришда кўп вақт сарфланган бўлса, янги ишлаб чиқариш техникалари орқали маҳсулот ишлаб чиқариш қисқа вақтда амалга оширилган.

Ушбу замонавий техникаларнинг қулайлигини, фойдалилигини ҳисобга олган ҳолда, жадидлар Туркистон саноатида ва зироатида ҳам ана шундай замонавий техникалардан фойдаланишни, замонавий техниканинг қандай яратилганлигини Туркистон халқига, хусусан, ёшларга ўргатиш, Туркистонда ҳам шундай ишлаб чиқариш техникаларини ихтиро қилиш ҳамда уларни ишлаб чиқаришга жорий этиш, янги ишлаб чиқариш соҳаларини, яъни янги-янги ҳунарларни яратиш кераклигини айтадилар. Шунингдек, Туркистон ёшларига тижорат, зироат ишларини ҳам ўргатиш зарурлигини таъкидлайдилар.

«Садои Фарғона» газетасида «Ҳар бир миллатнинг тараққийси илм-саноат-тижорат-зироатдан бошланадур» деб таъкидланади<sup>18</sup>. Бу фикр Туркистон жадидларининг концептуал шиори бўлган десак муболаға бўлмайди. Улар агар бирон-бир давлатда ушбу соҳалар ривожланган бўлса, шу давлатда миллатнинг фаровон яшаши ҳам таъминланган бўлишини яхши тушунганлар.

Миллий тараққийпарварлар Туркистон халқ хўжалигининг муҳим тармоқларидан бири ҳисобланган ҳунармандчиликнинг ислоҳига, ривожига алоҳида эътибор бериш зарурлигини таъкидлайдилар.

XX аср бошига келиб Туркистон ҳунармандлари ўз ҳунарларини қўлларидан бой бера бошладилар. Ҳунармандлар фаолиятининг ёмонлашуви уларнинг қарздор бўлиб қолишига олиб келган. Охир оқибат ҳунармандлар ўз ҳунарларини тарк этиб, мардикор ва завод-фабрикаларда ёлланма ишчи бўлиб ишлашга мажбур бўлганлар. Туркистон ҳунармандчилигининг нуфузи тушиб кетишига асосий сабаб янги технологияларга асосланган Россия саноати, бозорини кириб келиши шунингдек, миллатчилик кайфиятидаги рус маъмурлари фақат Россия манфаатларини ҳимоя қилиб, ўлкада хом ашёга дастлабки ишлов бериш саноатидан бошқа саноат турларини вужудга келтирмасликка, Россиядан эса ўлка бозорлари учун тайёр маҳсулот келтиришга ҳаракат қилганлар. Бунинг оқибатида Туркистон ҳунармандлари ва косиб-

<sup>18</sup> Тараққийпарварлик // Садои Фарғона. 1914. №79. 2 ноябр. 3-бет.

лари Россиянинг нисбатан арзон ва сифатли маҳсулотлари рақобатига бардош бера олмаганлар. Албатта, бундай шароитда европалик ҳунармандлар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ўз харидорини тез топган. Ҳаттоки, тараққийпарвар зиёлилар ҳам киядиган оёқ кийимларини ва либосларини европалик усталарга буюртирганлар<sup>19</sup>.

Туркистон маърифатпарварлари «Ёшларимизга ҳунар ўргатмоқ учун бирор жойга ҳунар мактаби очиб энг яхши янги усулда ишлайдиган усталардан келтириб, уларга ёш болалардан шогирд бериб ҳунар ўргатмоқ керак. Тараққий қилмоқни хоҳлаган ҳар бир миллатга шундай йўлларга ҳаракат қилиб шундоғ мактабларни ё шундоғ (мастерский) яъни, ҳунархоналарни очиш кераклигига ҳеч ким инкор қилмаса керак» деб таъкидлаганлар<sup>20</sup>.

Жадидлардан бири бўлган Нўширавон Ёвушов Туркистонда тижорат ва зироат соҳаларининг таназулуга учраши, ривожланиш ўрнига орқага кетаётганлигини, савдогарлар ва деҳқонлар савдо-сотик йўқлигидан, сотган нарсаларидан ҳам фойда кўра олмаётганликларидан шикоят қилаётганларини, бунинг асосий сабаблари нимада эканлигини билмаётганликларини таъкидлайди. Муаллиф Туркистонда тижорат ва зироат нима сабабдан касодга учраётганлиги ва бунинг олдини олиш учун нима қилиш зарурлигини аниқ асослар билан тушунтириб беришга ҳаракат қилади. «Бу йўлдаги муваффақиятсизликларимизнинг биринчи сабаби насядир»<sup>21</sup>. Кичик савдогарлардан бошлаб, Москва ва Варшавадаги йирик фирмаларгача ушбу нася балосига йўлиқганлар. Москва бойлари хорижий давлат банкларидан кўп пул олиб, миллион сўмлаб сарфлаб катта-катта фабрика ва заводлар очганлар. Бундай фабрика ва заводлар ҳар шаҳарда қурилиб, улар сони аста-секин кўпайиб борган. Бу фабрика ва заводларда маҳсулотлар жуда кўп ишлаб чиқарилиб, халқнинг эҳтиёжларидан ортиб қолган. Бунинг натижасида Москва бойлари, яъни корхона раҳбарлари ишлаб чиқарилган маҳсулотларни тезроқ сотиб ва қарзлардан қутулишга ҳаракат қиладилар. Туркистон савдогарлари маҳсулот олиб келгани Москвага борганларида, Москва фирмалари 10-15 минг сўмлик маҳсулотни насяга берганлар. Аслида, Туркистон савдогарлари ўзлари билан Москвага 5-6 минг сўм пул олиб борганлар. Шундай қилиб, Туркистон савдогарлари фирмалар томонидан берилган нася ҳисоби билан 15-20 минг

<sup>19</sup> Тараққийпарварлик // Садои Фарғона. 1914. №79. 2 ноябр. 3-бет.

<sup>20</sup> Ўша жойда.

<sup>21</sup> Нўширавон Ёвушов. Туркистонда тижорат ва зироат // Садои Туркистон. 1914. №18. 13 июн.



сўмлик маҳсулот билан Туркистонга қайтганлар. Туркистон савдогарлари маҳсулотларни Москвадан 10% олиб келиб қиммат нарҳда насяга сотганлар. Агар савдогарлар маҳсулотни насяга бермасалар, ишлари тўхтаб қолган. Чунки, нақд пулга харидор топилмаган. Шундай қилиб нася ришталари Москвадан Туркистоннинг шаҳар ва қишлоқларигача чўзилган. «Ҳозирги савдо илмини бир дарахтга ташбеҳ<sup>22</sup> қилсак нася онинг қурутқувчи қаровдир. Бу қаров аввало ул дарахтнинг япроғини (баргини) сўнгра шохларини ва ниҳоят ўзак ва томирини қуритар. Охир оқибат ул дарахт буткул йиқилур - синар. Яъни савдогарларимиз насяларини тамом ила ундириб ола олмайдулар, шу сабабдан аввало кичик савдогарлар ва сўнгра (Москва)лар синиб йиқилур»<sup>23</sup>.

Насянинг унмай қолишининг сабаби халқнинг фақирлигидан келиб чиқади. «Агар халқимиз шу йўл ила борсалар истиқболлари яхши ўлмас керак. Савдо ва нася балосидан кўп киши ер ва мулкларидан айрилуб қоладурлар. Ҳозирги савдодан на Туркистон ва на Москва асло фойда кўра олмайду. Бизнинг бу кунги меҳнат ва ҳаракатларимиз ёлғиз европаликлар фойдаси учундир»<sup>24</sup>.

Муаллиф Туркистон халқи ва савдогарлари зироат ишларига аҳамият бериб деҳқончилик ва боғдорчилик ишларини ривожлантирсалар, сувсиз ерларга ариқ қазиб, сувлар чиқарсалар, эскирган ерларни янгилаб, янги асбоб ва техникалар билан ерга кўпроқ ишлов берсалар, қисқа вақт ичида иқтисодий қудратга эга бўладилар. Натижада, халқимиз нася ва қарздан қутулиб, топган пулларининг ҳаммаси ўз бюджетларига тушади деб хулоса қилади.

«Зироат ишларимиз тараққий қилиб, иқтисодий қувватларга молик бўлса, оҳиста-оҳиста саноат ишларини ҳам қўлимизга олурмиз. Тадрижо<sup>25</sup> корхона-завод ва фабрикалар очармиз. Дунё кераги маишат асбоби учун Москваларга бориб юрарга эҳтиёжимиз ҳам қолмас. Улчоқда ажнабийлар<sup>26</sup> ва европаликлар ўзлари Туркистонга келадургон бўлурлар»<sup>27</sup>- дейди Нўширавон Ёвушов.

<sup>22</sup> *Ташбеҳ* – ўхшатиш, ўхшашлик, мослик.

<sup>23</sup> Нўширавон Ёвушов. Туркистонда тижорат ва зироат // Садон Туркистон. 1914. №18. 13 июн. 2-бет.

<sup>24</sup> *Ўша жойда*, 2-бет.

<sup>25</sup> *Тадрижо* – аста-секин.

<sup>26</sup> *Ажнабий* – чет эллик.

<sup>27</sup> Нўширавон Ёвушов. Туркистонда тижорат ва зироат // Садон Туркистон. 1914. №18. 13 июн. 2-бет.

Жадидларни қайси соҳада кўрмайлик хоҳ у саноат бўладими, хоҳ зироат бўладими тараққиёт учун энг муҳим омил ҳисобланган замонавий техникалардан фойдаланиш кераклигини муттасил тақрорлайдилар.

XX аср бошида Туркистон ҳунармандларининг касодга учраши ва мардикор бўлиб ишлашларига нима мажбур қилди? Уларнинг бундай аянчли ҳолга тушишларига шуғулланаётган ҳунарларининг эскирганлиги, замондан орқада қолиб кетганлиги эмасмиди? ..

Жадидлар Туркистонда замонавий технологияларни жорий этиш кераклигини бежиз таъкидламаганлар. Мақсад миллатнинг фаровонлиги ва давлатнинг равнақи бўлган.

Хулоса қилиб айтганда, жадидларнинг Туркистон халқлари ижтимоий-иқтисодий фаровонлиги йўлидаги фидокорона меҳнатлари беқийсдир. Улар ўлкадаги қолоқликнинг фақат ички субъектив омиллари ҳақида тўхталиб, ўз қарашларини билдирганлар. Чунки, жадидлар халқнинг дунёқарашини, онгини, маънавиятини ошириш орқали мамлакат тараққиётини юксалтириш ва ривожланган давлатлар қаторига чиқиш мумкин, деб қараганлар.

*Р.Турсунов*

#### СОЦИАЛЬНЫЕ И ЭКОНОМИЧЕСКИЕ ВЗГЛЯДЫ ДЖАДИДОВ

*В статье освещается социально-экономическое положение в Туркестане и мировоззрение джадидов на обеспечение прогрессивного развития народов края. Приводятся также сведения о экономическом развитии джадидов, что является важной стороной развития государства и общества.*

*R. Tursunov*

#### SOCIAL & ECONOMIC IDEAS OF JADIDS

*In this article social-economic condition in Turkestan and ideas of jadids about the ways of providing the progressive development in lives of people in Turkestan. Moreover there are some facts that jadids paid special attention to economic development which is important part of state and society development.*

*Танқид ва тақриз***ТАРИХГА МУРОЖААТ ХОЛИСЛИКНИ ТАЛАБ ЭТАДИ**

**Набижон Боқийнинг «Чингиз афандига мактублар»  
(Шарқ юлдузи, 2004, 1-сон, 22-79-бетлар) асарига тақриз**

Тарих - улуг мураббий. Ўтмишда содир бўлган воқеаларни қаламга олишда уларга қандай нуқтаи назар асосида ёндашиш муҳим аҳамиятга эга. Жамият тараққиёти бевосита тарихий билимлар билан боғлиқ экан, воқеалар баёни илмий холисликка асосланиши шарт. Холисликдан чекиниш эса нафақат фанга, балки жамиятга ҳам ўзининг бирдай салбий таъсирини кўрсатади. Яқин ўтмишда биз сохталаштирилган тарихнинг аччиқ тажрибасига эга бўлганмиз. Шунинг учун ҳам бугунги кунда халқимизнинг холис, ҳақиқий тарихга бўлган қизиқишини, ташналигини қондириш нафақат тарихчиларга, балки тарихий мавзулар билан шуғулланувчи адабиётшунослар, ёзувчиларга ҳам катта масъулият юклайди.

Ҳаммага маълумки, тарихий-бадий асар жамоатчилик орасида тарихий - илмий адабиётга нисбатан кучлироқ акс садо беради. Чунки бадий усулда баён этилган тарихий воқеа - ҳодисалар китобхонда кўпроқ қизиқиш уйғотади. Бу эса тарихий мавзуга қўл урган ёзувчиларга воқеа - ҳодисаларни талқин қилишда ўз олдига қўйган мақсадини аниқ билиш, маълум тарихий-бадий методларга амал қилиш, энг аввало, жамиятнинг тарихий тафаккурини тўғри шакллантиришдаги жавобгарликни ҳис этиш зарурлиги каби вазифаларни юклайди. Тўғри, бугун биз эркин фикрлаш ҳуқуқига эгамиз. Бироқ, бу ҳуқуқ тарихчиларга, айниқса, тарихий мавзулар билан шуғулланувчи адибларга шахсий ҳиссиётларга берилиб, ҳар томонлама илмий асосланган тарих ўрнига, эҳтиросларга йўғрилган сохта, муайян мақсадга бўйсундирилган уйдирма тарих яратиш, олди-қочди асарлар ёзиш имконини беради, дегани эмас.

Тарихий-бадий асар яратаётган муаллиф, энг аввало, танланган мавзу бўйича яратилган замонавий тарихий тадқиқотлар билан яқиндан танишган бўлиши, масалани чуқур ўрганиб, унинг моҳиятига етиши, воқеликни чинакам акс этиришда ҳар бир нарсани ақл ва мантиқ тарозусида тортиши ҳамда бадий талқинда сунъий баёнчиликка берилмаслиги лозим. Агар бу принципларга амал қилинмас экан, минг-



лаб бетларни қоралаб, китобхонни зериктириб қўядиган, мазмунан саёз, тарихни сохталаштирадиган асарлар пайдо бўлишига олиб келади. «Шарқ юлдузи» журналининг 2004 йил 1- сонидан нашр қилинган Набижон Боқий қаламига мансуб «Чингиз афандига мактублар» асари бунинг ёрқин далилидир. Асарнинг сўз бошисида айтилишича, у «на роман, на қисса, на ҳикоя, на ривоят. У тарихий асар, илмий асар». Унда XX асрнинг биринчи чорагида Туркистон, Бухоро амирлигидаги ижтимоий-сиёсий вазиятдаги мураккабликлар, замон воқеаларининг иштирокчилари тақдири адабиётдаги янги адабий усул - тирик ёки марҳумлиги номаълум, ўзи танимаган шахсга мактублар билан муносабат шаклида яратилган. Мактубларда Шарқий Бухорода қизил армияга қарши олиб борилган жанглар ўз аксини топган. Бироқ, бу хайрли ва эзгу ишни амалга ошириш йўллари ва усуллари муаллиф томонидан тўғри танланган деб бўлмайди.

Аввало, асарнинг жанри ҳақида икки оғиз сўз. Муаллиф ўз мактубларини архив ҳужжатлари ва бошқа манбалар асосида ёзилган тарихий асар деб даъво қилар экан, биринчи навбатда тарих фанининг энг оддий қонунларига - тарихий метод ва услубларига риоя қилиши керак эди. Бироқ, ундаги воқеалар тасвирида биз бундай ҳолатни кўрмаймиз. Аммо тарихий воқеалар билан миш-мишлар, илмий манбалар билан субъектив фикр-мулоҳазалар ва асоссиз эҳтирослар ўзаро қоришиб, асарнинг қайси жанрга мансублигини шубҳа остига қўйган.

Н. Боқийнинг асосий мақсади - Туркия фуқароси бўлмиш Анвар Пошонини ўзбек халқининг «миллий ифтихори», «халқ қаҳрамони», «миллий-озодлик курашчиси» сифатида талқин этишдан иборат. Муаллифнинг Анвар Пошонини идеаллаштириб, уни Амир Олимхон «хонавайрон қилиб, ўз ҳолига ташлаб кетган, унинг касрига қолган пароканда юртнинг халоскори» сифатида талқин қилиши мунозарали, албатта. Зотан, Анвар Пошо шахсига баҳо беришда бир ёқламалikka йўл қўйиб бўлмайди, унга холисона ёндашиш зарур. Чунки у ниҳоятда зиддиятли, амбицияларга эга шахс эди. Тарихдан маълумки, Анвар Пошо XX аср бошидаги Туркия, Македония, Кавказ ва Ўрта Осиёда содир бўлган мураккаб жараёнлар иштирокчиси эди. Жаҳон тарихшунослигида у ҳақида турлича, баъзан кескин ва салбий фикрлар мавжуд. Анвар Пошо шахсига холисона баҳо беришдан аввал тадқиқотчи унинг ўз юрти - Туркиядаги фаолиятини Европа мамлакатларидаги, айниқса Германия ҳарбий ташкилотлари билан алоқаларини ҳар томонлама чуқур ўрганиши керак эди. Зотан, унинг ҳаёт йўли ўта мураккаб, баъзан қарама-қарши хатти-ҳаракатлардан иборат бўлган. Масалан, унинг ўша

даврдда ўз юртида фаолиятини давом эттира олмай, жанговар руҳни туркий халқлардан бўлмиш Туркистон халқларидан қидириши, дастлаб большевиклар ҳукумати билан яқинлашиб, кейин бирдан Ўрта Осиёда совет ҳокимиятига қарши кураш олиб бораётган маҳаллий халқлар тарафига ўтганлиги ҳозиргача мунозарали қарашларга сабаб бўлиб келмоқда. Туркистон ўлкасига ташрифи ва фаолияти унинг таржимаи ҳолидан бир саҳифа, холос. Бухорода 1921-1922 йилларда олиб борган фаолиятида Анвар Пошонинг асосий мақсади ўзи айтганидек, туркий халқлар озодлиги бўлса-да, у узоқни кўзлаган сиёсатчи эмас, балки бор-йўғи жанговар ва эҳтиросли курашчи, ҳарбий қўмондон сифатида намоён бўлди.

Н. Боқий жадидлар билан ўлкада большевикларга қарши олиб борилган ҳаракатларни бир-бирига қарши қўяди. Аслида муҳолифат кучлари билан Бухоро жадидларининг алоқалари яхши бўлган. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, Бухорода қизил армияга қарши ҳаракат фақат Анвар Пошонинг ташаббуси ва ихтиёри билан бўлган деб баҳолаш мутлақо нотўғри. Лекин муаллиф бу масалада Анвар Пошонинг ролини бўрттириб, вазиятни «чигал ижтимоий муносабатлар вужудга келган ўлкага Анвар Пошо ҳазратлари ташриф буюриши лозим эди» («Шарқ юлдузи», 2004, 1-сон, 36-бет. Бундан кейин олинган кўчирилмаларнинг саҳифаси қавс ичида кўрсатилади) деб таърифлайди. Аммо шунини унутмаслик керакки, Туркистон халқларининг совет ҳокимиятига қарши кураши Анвар Пошо келгунга қадар ва унинг ўлимидан кейин ҳам давом этган.

Анвар Пошонинг фаолияти ва шахсига унинг замондоши, Туркистондаги ўша йиллардаги воқеалар гувоҳи, у билан ўлкада учрашган Аҳмад Заки Валидийнинг берган қуйидаги баҳоси ниҳоятда ўринлидир: «Мен тушундим, бу инсон буюк идеалист, у жараёнлар ва ҳаётга киришолмади, у ҳатто Россия ва Европа нашрларидан Туркистоннинг на географияси ва на статистикаси билан таниш эди». Фикримизча, ҳақиқатдан ҳам шундай эди. Чунки Бухоро Республикасида большевик марказдан мустақил равишда ислохотлар ўтказишга интилган ва большевикларнинг аралашувидан ўзлари ҳам жабр кўраётган жадидларнинг аҳволини била туриб, уларга қарши курашга бошчилик қилди.

Кириш қисмида таъкидланишича, асарнинг асл мақсади - «Мустақиллик эълон қилинган 1991 йилгача Туркистон доҳилиндаги темир сандиқларда эл кўзидан пинҳон тутилган ҳужжатларга асосланиб, миллий мужодала тарихидан ёрқин саҳифаларни ўқимоқ ва уқмоқ, холос.

Афсуски, ҳозир истеъмолда бўлган кўпгина адабиётлар, тарих дарсликлари, қомуслар, маълумотномалар ёш авлодни ҳам, катталарни ҳам алдаяпти» (23). Нафақат тарих, балки тарих фанида кечаётган жараёнлардан ҳам заррача тасаввурга эга бўлмаган кишигина ўз ёлғонида бундай оғир айбномани қўллаши мумкин. 1991 йилдан бошлаб то 2004 йилгача чоп этилган кўплаб илмий-тарихий тадқиқотларда «босмачилик ҳаракати» аллақачон «миллий-озодлик ҳаракати» баҳосини олиб бўлганлигини, архив ва кутубхоналардаги бирламчи ҳужжатларнинг қийёсий таҳлили, уларни ўзаро таққослаш ва солиштириш натижасида Туркистонда совет тузумига қарши қуроли курашлар тарих фанида ўзининг ҳаққоний ва холис талқинини топганлигини наҳотки, Н.Боқий билмаса? Агарда муаллиф булардан хабардор бўлганда эди, бу даврга у «фуқаролар уруши» мақомини бермаган бўларди. Наҳотки, 1996 йилда ёзилган бу каби «илмий», «тарихий» асарларни журнал таҳририяти 8 йилдан кейин ҳам ҳеч қандай таҳрирсиз, ҳатто ўша давр тарихини ўрганувчи мутахассиснинг оддий бир «маслаҳатисиз» нашр этса?!

Асарнинг сўз бошисида ҳар бир муаллиф «ўз қаҳрамонларига баҳо беришда ўз концепциясига, ўз нуқтаи назарига эга бўлишга бутунлай ҳақли!» эканлигига урғу берилади. Тўғри, ҳар бир киши ўз нуқтаи назарига эга. Бироқ тарихий мавзуга қўл урган адиб лоақал бутун республика тарихчилари 1998 йилда қабул қилган «Ўзбек халқи давлатчилиги тарихи концепцияси» билан танишиб чиқмайдими? Ҳар ким ўз қаҳрамонига ўзича, шахсий муносабатидан келиб чиқиб, хоҳлаганча баҳо бераверса бу тарихий ҳақиқатдан, холисликдан чекиниш бўлмайди? Афсуски, Н. Боқийнинг «концепция»си фақат тарихий шахсларга субъектив баҳо беришда кўринади. Унинг жадидчилик ҳаракати ва бу ҳаракат намояндаларига берган таърифи эса ҳар қандай танқиддан тубан.

Бугунги кунда «жадидчилик» мавзуси нафақат ватан тарихшунослигида балки жаҳон миқёсида ўзининг тўлиқ, холис баҳосини олиб бўлди. Мазкур мавзу юзасидан 1999 йил 16-18 сентябрда Тошкентда «Марказий Осиё XX аср бошида: ислохотлар, янгилиниш, тараққиёт ва мустақиллик учун кураш (жадидчилик, мухториятчилик, истиқлолчилик)», 2003 йил октябрда «Жануб тарихида «Ёшлар ҳаракати» ва бошқа халқаро илмий анжуманлар ўтказилиб, жаҳон олимлари бу ҳаракатнинг халқаро аҳамияти, Марказий Осиё ҳаётида ўйнаган интеллектуал роли, Шарқдаги илғор ғоя ва ҳаракатларнинг Ғарбдаги муштарак ҳаракатлар билан ўзаро таъсири ва бошқа кўплаб масалалар юзасидан фикр алмашилган, маълум натижаларга эришилган эди.



Н. Боқий ёзганидек, жадидларнинг асосий мақсади фақатгина туркчилик ва исломчиликдан иборат бўлмасдан, балки иқтисодий-маданий жиҳатдан жаҳон тараққиётидан ортда қолган туркий мамлакатларни ислоҳотлар йўли билан турғунлик чоҳидан олиб чиқиш эди. Бу ҳаракатнинг қамрови кенг бўлган. Улар Россия, Туркия, Миср, Афғонистон, Ҳиндистон ва бошқа мамлакатлардаги тараққийпарвар оқимлар дастурларидан хабардор бўлганлар, ўзаро сафарлар, мулоқотлар орқали тажриба алмашганлар. Жадидлар ҳеч қачон ягона ислом ёки турк давлатини тузишга интилмаганлар, бу ҳақда ҳаттоки ўйламаганлар ҳам. Фақат туркий халқларнинг тарихий-маданий илдизлари бирлиги, тақдири муштарақлигини назарда тутиб, маърифат тарқатиш ва миллий-озодлик ҳаракатида тажриба алмашиш, мустамлака тузумга қарши курашда бирлашишнинг фойдасини излаганлар ва ўз юртлари - Туркистоннинг ривожланган, гуллаб-яшнаган дунёвий мамлакатлар сафида бўлишини орзу қилганлар.

Н.Боқий: «Туркчилик ва исломчилик тараққийпарварларнинг асосий ғояси бўлган», - деб уқтиради. Лекин унинг қуйидаги фикрлари уни ўзини ана шу ғоянинг тарафдори қилиб намоён этади. Акс ҳолда муаллифнинг «Уйғониш насими эсаётган Туркистон ва Бухоро амирлигида эса яна битта Туркияни барпо этиш муқаррар. Демак, харита ёнида туриб хаёл қилинса, Оврўпа ва Осиёда 1910 йилдаёқ учта буюк турк давлати пайдо бўлиши мумкин»лигига урғу беришини тушуниш қийин, албатта. Агарда муаллиф хаёлий орзулар гирдобига чалғимаганида 1910 йилдаги ҳақиқий сиёсий-тарихий вазият ҳеч қачон бунга йўл қўймаслигини тушунган бўларди.

Аммо жадидларни «дин душманлари», «кофирлар» деб айблаган муаллиф жадид намояндалари Қуръони карим ва унинг тафсирини жуда яхши билган ҳолда исломнинг тараққийпарвар ролини тушунтириш билан жамият ҳаётининг барча соҳаларини ислоҳ этиш заруратини англаганликларини билмаса керак. Бу билан Н. Боқий ўша давр мутассиб руҳонийларини қўллаб-қувватлайди. Асарда тарихчилар учун янгилик бўлган «жадидчилик диктатураси» ибораси ишлатилади. Диктатура сўзининг маъноси - «кучга, зўрликка таянган чексиз ҳокимият» дегани. Қолаверса, қандай қилиб жадидлар диктатура ўрнатмоқчи бўлганлар? Ахир, улар ислоҳотларни тинч йўл билан ўтказиш тарафдори эдилар-ку! Бухоро жадидларини олсак, уларнинг айблари амир консерватив тизимини ағдаришда ўзга кучлардан - большевиклардан фойдаланиш эди. Бу хатоларини уларнинг ўзлари ҳам кейинчалик тушуниб етиб, жуда афсусландилар.

Муаллиф жадидларни мансабпарастлик, ҳийлакорликда айблаб, уларни большевиклар билан бир қаторга қўяди (71). Унинг даъво қилишича, «жадидлар ва большевикларнинг тили битта, иккови ҳам бир гўр...» бўлган (42-бет, 4-мактуб). Ақли расо тарихчиларга аёнки, бу нуқтаи назар сохта «кашфиёт»дан бошқа нарса эмас. Наҳотки, жадидчилик ва большевизмнинг асл моҳияти, бир-бирига қарши ўт ва сув бўлган бу икки сиёсий кучнинг мақсади Н.Боқийга номаълум бўлса? У давом этиб ёзади: «Ёш бухороликлар бутун фаолиятлари давомида рўёбга чиқара олмаган ишларни Беҳбудийнинг битта ўзи бажариб кетади» (ўша ерда). Беҳбудий билан Ёш бухороликлар ўртасидаги «зиддият» ҳақида демагогларча сафсата сотишдан кўра, Беҳбудийнинг Бухорода кўзлаган ниятлари Ёш бухороликлар томонидан амалга оширилганлигини кўрсатиш лозим эди.

Муаллифнинг асосий мақсади жадидчилик ҳаракати ва унинг машхур намояндалари - Файзулла Хўжаев, Абдурауф Фитратлар юзига қора бўёқ чаплаш, уларнинг тарихда тутган ўринларини сохталаштиришдан иборатми, деб ўйлаб қоласиз. Асарда тарихий маълумотлар, далиллар сохталаштирилган ва улар Ёш бухороликлар партияси, хусусан Файзулла Хўжаев ва Фитратлар фаолиятини камситиш ҳамда йўққа чиқариш мақсадига бўйсундирилган. Н.Боқийнинг ёзишича, «Файзулла Хўжа - 22 яшар мансабпараст кимса Москвада фасод ишларни кўзгайди» (41-бет, 4-мактуб). Бугунги авлоднинг миллий тимсолига айланган Файзулла Хўжаевга шундай салбий баҳо бериш мутлақо асоссиз. Яна у ёзади: «1918 йил февралда Файзулла Хўжа Москвадан қайтаётиб, Тошкентда Ф.Колесов билан учрашади» (ўша ерда). Н. Боқийнинг иддаосича, бу фикрни С. Айний айтган эмиш. Биринчидан, С.Айний ҳеч қачон бундай сохта фикрларни ёзмаган. Иккинчидан, Ф.Хўжаев 1917 йил ва 1918 йил бошида, муаллиф такрор-такрор даъво қилганидек, Москвага бормаган. У Москвага анча кейинроқ боради. Колесов билан Ф.Хўжаев ўртасидаги учрашув эса 1918 йил февраль ойининг охирида Тошкентда эмас, Янги Бухоро (Когон)да, яъни Колесов ўз қўшини билан Закаспий вилоятидаги исённи бостириш учун келаётганида бўлиб ўтган (Қаранг: Ражабов Қ. Ёш бухороликлар // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 3-жилд. Тошкент, 2002. 494-496-бетлар).

Н.Боқийнинг таъкидлашича, 1991 йил Токиода чиққан китоб(?)да Анвар Пошо томонидан Ёш бухороликлар ва унинг раҳбарлари Файзулла Хўжаев, Абдурауф Фитрат ҳақида қуйидаги фикрлар айтилган: «Бухоро инқилоб қўмитаси... оч, жоҳил, манфаатпараст кимсалардан иборат бўлиб, большевиклардан олган поралари шарофати билан май-

шатга берилиб кетди... Файзулла Хўжа бир миллионер бола эди. У ўз манфаати йўлида ҳатто беш-олти миллион рубль зарар ҳам кўрди. Бугун эса Москвада муҳтож бир ҳолдадир...», ёки «Бу жамият сафида Фитрат номли бир зот бордирким, ... ўта даражада ҳийлакордир.

...Бухорода Муҳитдинов номли яна бириси борким, уни ҳар мақомга солиб йўрғалатиш мумкин» (43-бет, 4-мактуб).

Аслини олганда, Токиода 1991 йили бу мавзуда қандай китоб нашр этилганлиги ва унда юқоридаги ҳужжат қай тарзда чоп қилинганлиги номаълум. Чунки Н.Боқийнинг ўзи, одатдагидек, бу гал ҳам бирламчи манбани аниқ кўрсатмайди. Бироқ, япон тадқиқотчиси Масауки Ямаучи томонидан 1995 йил Анқарада турк тилида нашр этилган Анвар Пошо ҳақидаги йирик тадқиқотда 179 - рақамли ҳужжат (295-300-бетлар) мавжуд бўлиб, унда номаълум турк зобити томонидан Анвар Пошога йўлланган мактубда юқоридаги фикрлар баён этилган. Демак, Фитрат ва Ф.Хўжаев ҳақидаги нотўғри фикрларни Н.Боқий ёзганидек, Анвар Пошо эмас, балки номаълум бир турк зобити ёзган. Бунинг устига, ушбу ҳужжат санасиз бўлиб, у 1921 йилда ёзилган деган тахмин мавжуд. Муаллиф бўлса, нафақат Фитрат, Ф.Хўжаев, А. Муҳитдиновлар фаолиятини сохталаштириш йўлидан боради, балки Анвар Пошога нисбатан халқларимиз ўртасида мавжуд бўлган ижобий фикрларни ҳам суиистеъмол қилади. Н.Боқийнинг қуйидаги изоҳи ҳам куракда турмайди: «нечоғли ҳийлакор бўлмасин, 1938 йил 5 август куни совет ҳукумати Фитратни отиб ташлайди» (43-бет).

Замона зайли билан бу шахслар тушиб қолган вазият, воқеалар силсиласи, аянчли ва мудҳиш ўзгаришлар уларнинг интилиш ҳамда умидларини саробга чиқарганини, оғир, ўта зиддиятли шароитларда фаолиятларини давом эттириб, ўз халқи тақдирини ўзгалар қўлига ташлаб кетмай, аксинча, фарзандлик бурчини ўташни лозим топганини нима учундир муаллиф эътибордан четда қолдиради. Ф. Хўжаев ўша даврдаги ниҳоятда мураккаб жараёнлар ва мустабид тузум томонидан амалга оширилаётган сиёсатига қарамай доимо ўзбек халқининг манфаатларини кўзда тутиб иш юрғизган. Унинг фаолияти тарихчилар ва давлат томонидан ўзининг холис баҳосини олиб бўлган. Бу тарихий ҳақиқатни билмаслик ва тушунмаслик ўзбек зиёлиси, айниқса, тарихий мавзуларга қўл урган ёзувчи учун кечирарли ҳол эмас. Бу инсонлар халқ хотирасида абадий қолди. 1996 йилда ҳукуватимиз қарори билан Ф.Хўжаевнинг 100, А.Фитратнинг 110 йиллик юбилейлари мамлакат миқёсида кенг нишонланди. Уларнинг асарлари нашр қилина бошланди. Наҳотки, ўша тантаналар бўлиб ўтган 1996 йилда Н.Боқий



айнан уларни қораловчи ўз «асари»ни ёзган?! Бу ҳолатни қандай тушуниш мумкин?

Тарихий мавзуга қўл урган ҳар бир киши тарихий манбалар билан ишлаш жараёнини ҳам яхши билиши керак. Асарда фойдаланилган архив манбаларнинг тўла матнини кўчиришнинг ўзи «тарихийлик» принципига риоя қилиш дегани эмас. Зеро, ҳар бир муаллиф ўзи қўлга киритган манбани «бебаҳо» санаб, текшириб ўтирмай халқ ҳукмига ҳавола этаверса, тарихий таҳлил усули қаерда қолади? Айни жиҳатдан, муаллифнинг, аввало, архив материалларига ёндашуви бирёқлама бўлган. У ҳужжатлар асосида ҳукм чиқариш ўрнига, уларни олдиндан белгилаб қўйган ўз мақсадига бўйсундиради. Иккинчидан, ўзи ёритаётган мавзунини яхши билмай туриб, ҳар қандай «тарихий» материални ишончли манба сифатида олган. Учинчидан, жилд-жилд бу ҳужжатлар шу соҳа мутахассислари учунгина муҳим, кенг ўқувчилар оmmasига уларни миридан-сиригача тақдим этишнинг ҳеч ҳожати йўқ. Асарда архив манбалари матнининг тўлалигича берилиши (25, 28, 29, 30, 37, 38, 39, 40, 65, 67) мутахассис бўлмаган ўқувчини зериктиради, чалғитади, унинг ҳодисани тўғри англаб олишига йўл бермайди.

Асар давомида муаллифнинг ўзида ҳам унга ишонмайдиган мавҳум фикрлар устуворлик қилади. Унинг аниқ тарихий далилларга асосланмай туриб, «менимча», «шекилли», «янглишмасам», «маълумотлар тўғри бўлса» каби иборалар орқали ўз шубҳалари, иккиланаётганини билдириб қўйиши «тарихий»ликка даъво қилаётган асарнинг мавқеини анча пасайтиради. Шу ўринда, ёзувчи услуби эҳтирос-ҳаяжон, кино-кесатиқларга ғоятда бойлигига эътибор қаратиш жоиз. Жиддий тарихий мавзудаги асарда советлар даврида хизмат қилган маҳаллий арбобларни «мулло минган эшак» (31), «ювиндихўрлар» (62), «бачкана» (31) деб аташ, рус хуфиясини «пошнаси билан амирнинг пешонасига тепган» (32), «аср бошидаги Рус ҳукумати одамларини Оврўпада изғиб юрган «искович итлари» (56) сифатида таърифлаш, эҳтиросга берилиб, ҳар турли образли ибораларни қўллаш мақсадга мувофиқ эмас.

Бундан ташқари, асарда фактик хатолар сон-саноқсиз. Масалан, «Бухоролик ёшлар оммавий равишда Истанбулга таълим-тарбия олгани жалб этилади» (30), -деб нотўғри маълумот берилади. Аслида эса Бухородан Туркияга ўқишга борганлар 20 кишига ҳам етмаган ва 3 млн. аҳолиси бор юрт учун бу рақам «оммавий» бўла олмайди. 1920 йилларда «Бухоро Республикасида Президентлик лавозими» бўлганлиги муаллифнинг ўз ибораси билан айтганда, ҳақиқатан ҳам «Туркистон тарихи учун мўъжиза саналади» (31). Муаллиф Ўзбекистон тари-

хини яхши ўрганганида, чунончи, 10-синф ўқувчилари учун чоп этилган «Ўзбекистон тарихи» (1917-1991 йй.) дарслиги билан таниш бўлганида, жилла қурса, «Президентлик» лавозими 1990 йилдан жорий қилинганини билган бўлар эди.

Асарда ёзилишича, «Абдурашид Иброҳимов асли Сибир татарларидан бўлган» (28). Тарихчиларга маълумки, машҳур маърифатпарвар А.Иброҳимов (1857-1944) асли бухоролик бўлиб, йирик уламолардан бири саналган. Унинг ота-онаси савдо ишлари билан Тобольск губерниясидаги Торо уездида бир оз муддат яшаган вақтларида у шу ерда туғилган эди. Унинг асосий фаолияти Туркистонда кечган ва ислом ғоялари тараққиёти учун муайян даражада ўз ҳиссасини қўшган (Қаранг: Иброҳимов А. Ўзбекистон миллий энциклопедияси (4-жилд. Тошкент, 2002. 65-бет).

Муаллиф «Усмонхўжа Пўлатхўжа ўғли Бухоро Республикаси Президенти лавозимига сайланиб қолган» (31), деб ёзади. Ваҳоланки, биринчидан, Усмонхўжа Бухоро Республикаси Президенти лавозимига сайланган эмас. Чунки айтганимиздек, бундай лавозимнинг ўзи бўлмаган. Усмонхўжа (1878-1968) Бухородаги жадидчилик ҳаракатининг йирик намояндаси бўлиб, у 1921 йил августда БХСР Марказий Ижроия Қўмитаси раиси лавозимига сайланади. Иккинчидан, у 1921 йилда Анвар Пошо томонига ўтиб кетган эмас. Балки Усмонхўжа 1921 йили Душанбеда турган РСФСР ҳарбий кучлари гарнизонини қуролсизлантиргач, Иброҳимбекка ўз сафига қўшилишни сўраб, мурожаат қилади. Бироқ, Иброҳимбек Усмонхўжанинг самимий таклифига шубҳа билдириб, унга рози бўлмади. Бу пайтда Иброҳимбек билан Анвар Пошо ўзаро учрашмаган, улар фақат хат орқали мулоқот қилиб туришган. Усмонхўжа 1921 йил декабр ойи ўрталарида Қаршига келади ва 1922 йил январ ойининг бошларида қўшни Афғонистон давлатига жўнаб кетади. У Афғонистон ва Туркия билан БХСР ҳукумати номидан музокаралар олиб бориб, совет Россиясига қарши курашда улар билан ўзаро шартнома тузишга ҳаракат қилган. Учинчидан, Файзулла Хўжаев 1937 йилда эмас, балки 1938 йил 13 мартда Москвада отилган.

Асарда «Анвар Пошо 1920 йил август-сентябр ойларида Боку шаҳрида бўлиб ўтган Шарқ халқларининг қурултойида сўзлаган нутқидан Биринчи Жаҳон уруши натижаларига самимий баҳо берган эди» (32-33), дейилади. Ҳолбуки, Анвар Пошо ушбу қурултой ишида қатнашган бўлса ҳам, Коминтерн Исполкоми раиси Г.Е.Зиновьев унинг нутқ сўзлашига рухсат бермайди. Фақат, Анвар Пошо тайёрлаган маъруза матни қурултой делегати Афандизода томонидан ўқиб эшиттирилади.

Бу нутқда Биринчи Жаҳон уруши натижаларига эмас, Фарб давлатларининг Шарққа нисбатан мустамлакачилик сиёсатини очиб беришга кўпроқ эътибор қаратилган. Қурултой эса 1920 йил 1-8 сентябрда бўлиб ўтган (Бу ҳақда қаранг: Первый съезд народов Востока. Баку 1-8 сентября 1920 г. Стенографический отчет. Петроград, 1920; Ражабов Қ. Бухорога қизил армия босқини ва унга қарши кураш. Тошкент, 2002. 45-бет).

Муаллиф «Мустафо Чўқай афанди 1917 йил 28 ноябрда Туркистон мухторияти муваққат ҳукуматининг раиси этиб сайланди... Мустафо Чўқай афанди билан полковник Осипов 1918 йил февралда музокара бошлайди... Эргаш қўрбоши Қўқон хони деб эълон қилинади... Янги хон Эргаш бурнидан нарисини кўрмайдиган калтабин бир кимса эди» (36-бет (3-мактуб), - деб таъкидлайди. Аслида, Мустафо Чўқай 1917 йил 28 ноябрда Туркистон мухторияти Муваққат ҳукумати раиси қилиб сайланмаган, балки ташқи ишлар вазири лавозимини эгаллаган. Туркистон мухторияти ҳукумати Бош вазири лавозимига эса Муҳаммаджон Тинишбоев сайланган. Фақат кейинчалик (1917 йил декабр ойининг охирларида) бўлган ҳукумат ўзгаришларидан сўнг Мустафо Чўқай Бош вазир лавозимини эгаллайди. Осипов бўлса, полковник эмас, подшо Россияси армиясида прапоршик ҳарбий унвонида бўлиб, у кейинчалик Туркистон АССР ҳарбий ишлар халқ комиссари лавозимини эгаллаган. Эргаш қўрбоши (аслида Кичик Эргаш қўрбоши) Қўқон хони деб эълон қилинмаган, бу совет тарихшунослигида ҳукм сурган уйдирмадан бошқа нарса эмас.

Наҳотки, бугунги кунда мактаб ўқувчиси биладиган оддий фактлардан «ўз концепцияси, ўз нуқтаи назарига эга бўлган - тарихий асар, илмий асар» муаллифи Н.Боқий беҳабар бўлса? Бундай тарихий хатликлар асар давомида шу қадар кўп учрайдики, ўқувчи ўзи сезмаган ҳолда нотўғри тасаввурга эга бўлиб боради.

Муаллиф ҳар қандай тарихий ҳужжат (айниқса, совет давридаги ҳужжатлар) билан ишлаганда ўта эҳтиёткорона муносабатда бўлиши керак эди, чунки улар кўпинча ҳақиқатга тўғри келмаслиги ва воқеа-ҳодисаларда бир томонлама баҳо берилиб, бўрттириб кўрсатилганлиги билан характерли. Асарда тарихий воқеалар бир ёқлама тасвирланиб, кўп ўринларда тарихий факт ва ҳодисалар бузиб кўрсатилган. Муаллиф турли сиёсий вазият ва шароит тақозосига кўра турфа эътиқоддаги ҳар хил одамлар томонидан тайёрланган материалларга ўз муносабатини билдирмай, ноҳолис ва ноилмий фикрларни ўртага ташлайди. Айниқса, замон ва маконга савҳатда муаллиф ҳеч қандай дав-



рийликка амал қилмайди. 1920 йил воқеалари баён этилган жойда баъзан 50-йиллар, баъзан 80-йиллардаги «қайта қуриш» ва бошқа даврларга мурожаат этиладики, совет даври тарихини яхши билмаган ўқувчи бу ҳолатда чалғиб қолиши ҳеч гап эмас.

Асардаги ўша давр маънавий-ахлоқий ҳодисалари ўз аксини топган ўринларни ўқиб, ўқувчи уятдан қизариб кетса керак. Н. Боқийнинг наҳотки, Амир Сайид Олимхоннинг «оналарини, рафиқаларини, қизларини «бухоролик коммунистлар» билан рус аскарлари зўрламаган бўлса? Амир хазинасидаги олтинларни талон-торож қилган оч аскарлар шаҳвоний ҳирсини амир ҳарамида қондирмаганми? Хўш, қайси қизил аскар амирга «куёв» бўлди? Қай бири «ота» бўлди? Қай бири «божа» бўлди? Ҳали мўйлови сабза урмаган амирнинг ўғиллари қизил аскарлар ўртасида қўлмақўл ўтиб, «бесоқол» бўлмаганми? Худди шундай бўлган» (59)-деб қатъий равишда тасдиқлашини қандай баҳолаш мумкин? У қайси ҳужжатлар асосида бундай хулосаларга келган?

Ёки «Амир Олимхон худди ҳайвонот боғида ўн йил томошабинлар учун атайлаб боқиб қўйилган сиртлонга ўхшарди: агар у тўсатдан қафасидан чиқариб юборилса, дуч келган томошабинни нобуд қилиши мумкин эди (2 мингта тараққийпарвар ёш бухороликни қатл қилдиради, лекин ўзи озодликка қўйиб юборилса борми, мустақил равишда ҳаёт кечиришни билмайди ва кўп вақт ўтмасдан нобуд бўлади)» (60), - деб таърифлаши ўз халқи тарихини ёритишга бел боғлаган тарихчи ёки ёзувчига қанчалик хос?

Албатта, тарихий-бадий асар жамиятнинг тарихий тафаккурини тубдан ўзгартира олмайди, ўзгартиришга даъво ҳам қилмайди, аммо китобхоннинг ҳақиқатни нотўғри идрок этишига сабаб бўлиши мумкин. Шу жиҳатдан қараганда, эҳтиросларга йўғрилган, илмий асосланмаган асарлар жамиятда ўтмишдаги воқеаларни нотўғри тасаввур этиш, миллий адоватларни келтириб чиқаришда ўз салбий «хизмати»ни ўташи ҳеч гап эмас. Ўтмишдаги жараёнларга, унда иштирок этган инсонлар фаолиятига баҳо берганда тадқиқотчи жиддий масъулиятни сезиши ва энг муҳими, шахсий муносабатини бир четга суриб қўйиши керак.

Хулоса қилиб айтганда, Набижон Боқийнинг илмий чалкашликларга тўла «Чингиз афандига мактублар» асари бугунги кунда Ўзбекистон тарихининг қоронғи саҳифаларини ёритишга эмас, балки шонли ва мураккаб ўтмишимизни таҳқирлаш ва сохталаштиришга хизмат қилади, десак муболаға қилмаймиз. Чунки бундай муҳим ва қизиқарли мавзудаги «тарихий» асар маънавий муҳитга салбий таъсир этиши

мумкин. Тарих фани бирёқламалиликни кечирмайди. Илмий холислик эса кўплаб манбаларни қиёсий усулда чуқур ва ҳар томонлама кенг ўрганишни тақозо этади. Ўзи кўрган бир неча маълумотларгагина ишониб, бошқаларини инобатга олмаслик—кечирилмас хато. Бу каби хатти-ҳаракатлар шон-шуҳрат чўққисини тез ва осон эгаллаш мақсадидагина қилиниши мумкин.

Асар билан танишиб чиқиб, Набижон Боқий нима учун совет ҳукуматига қарши курашган Туркия фуқаросини ҳақиқий миллий қаҳрамонларимизга қарама-қарши қўйгани, Туркистон миллий тараққий-парвар зиёлиларини бу қадар лойга қориштиргани, Анвар Пошони ўқувчига «ҳазрат» даражасида етказишга интилгани каби кўплаб мақсадларини тушунишга қийналдик. Балки муаллиф буларни исботлаб берувчи ҳали айтилмаган «махфий» маълумотларга эгадир? Аммо ҳар қанча бўлмасин, маълум бир тарихий фактга баҳо берганда биз ҳеч қачон мавжуд ҳаракатнинг йўлбошчиси ёки иштирокчиси қандай ижтимоий ва шахсий мақсадларни кўзлаганини унутмаслигимиз зарур.

Ёзувчи бўладими, олим ёки бошқа мутахассисми, ким бўлишидан қатъи назар холислик - келажак учун жавобгарлик эканлигини унутмаслиги даркор. Афсуски, тарихий мавзуларда қалам тебратадиган айрим ёзувчиларимиз ижодида эҳтирос тўлқинлари исканжасида тарихий ҳақиқатдан чекиниш ҳоллари мавжуд. «Чингиз афандига мактублар» - бунинг типик намунаси. Бугунги 10-синф ўқувчиси Халқ таълими вазирлиги томонидан тасдиқланган дарсликдан бир маълумотни, оммавий нашрларда Н. Боқий каби муаллифларнинг ўйлаб топган адабий «иштиролари»дан мутлақо бошқа - аввалгисига зид маълумотни олса, улардан қайси бирини қабул қилишини билмай, аросатда қолмайдими? Асарнинг тарихчи мутахассислар нигоҳидан ўтказилмагани — муаллифнинг тарихий билими етарли эмаслиги, бунинг устига, сенсация (шов-шув) кетидан қувиш мақсади ва қандай қилиб бўлса ҳам тарихнинг буюк «кашфиётчиси» бўлиш орзуси, назаримизда, юқоридаги камчиликларга олиб келган. Бундай тенденцияларга тарих фанида эришилган илмийлик ва холисликка асосланган тадқиқотлар қарши туриши мумкин. Улар билан танишиш тарихга тегишли мавзуга қўл урган ҳар бир муаллифни бурчи.

*Д. Алимова,  
Н. Мустафоева,  
Қ. Ражабов*

*Юбилей***ЗОЯ ХАМИДУЛЛАЕВНЕ АРИФХАНОВОЙ – 70 ЛЕТ**

Зоя Хамидуллаевна Арифханова получила прекрасное образование в Среднеазиатском и Московском университетах. В 1964 г. она защитила кандидатскую диссертацию. Научным руководителем З.Х.Арифхановой была известный ученый-академик Рахима Ходиевна Аминова, которая определила направления научных поисков З.Х.Арифхановой и успех ее творчества.

В течение 45 лет З. Х. Арифханова трудится в Институте истории АН Республики Узбекистан и на сегодняшний день является одним из ведущих ученых-историков.

Как историк и этнолог успешно проводила исследования по различным направлениям исторической и этнографической науки.

В начале своей научной деятельности в рамках истории становления и развития узбекского этноса Зоя Хамидуллаевна занималась изучением аграрной проблематики, но наиболее плодотворно работала в научных направлениях исследования межнациональных отношений и процессов национального развития народов Узбекистана и Средней Азии. В эти годы вышла в свет ее монография «Решение национального вопроса в Узбекистане». С позиций сегодняшнего дня трудно однозначно оценить значимость данного труда, не следует забывать, в какое время писалась монография. Однако главное, что в книге раскрыты сложные коллизии процесса развития узбекского народа, показаны его самобытность и духовное величие.

З.Х.Арифханова принимала участие в написании многотомных изданий по истории республики, является одним из авторов 3-го и 4-го томов «Истории Узбекистана» (1967–1968 гг.), а также изданной в годы независимости «Ўзбекистоннинг янги тарихи. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида» (2000г.). В настоящее время работает в авторском коллективе по подготовке «Истории Узбекистана» (Т.6).

В поле зрения исследователя – изменение социально-классовой и национальной структуры общества в Узбекистане, общественно-политическая жизнь республики, урбанизация и ее воздействие на ин-



тернациональные процессы, исторические судьбы малых этнических общностей, этнолингвистические процессы, этнические конфликты и их корни, участие узбекистанцев в победе над фашизмом, историографические аспекты национальной проблемы.

На документальном материале З.Х. Арифханова показала, как изменилась социальная и национальная структура узбекистанского общества в советский период, отметив как положительные, так и отрицательные сдвиги. З.Х. Арифханова впервые определила, что в ходе индустриализации не были учтены исторически сложившиеся традиции трудовых предпочтений узбеков, фактически были уничтожены ремесленные производства, а узбеки по-прежнему составляли этническое меньшинство в структуре рабочего класса республики и были заняты лишь в отраслях легкой и пищевой промышленности<sup>1</sup>.

З.Х. Арифханова раскрыла этническую специфику культурного развития малых этнических групп в Узбекистане и ограниченную возможность этого процесса в условиях советской системы. Рассматривая национальные процессы 70–80-х годов, она обратила внимание на активизацию этнических конфликтов в узбекистанском обществе, выявила социально-экономические корни этого явления.

Тесные контакты с московскими и узбекскими этнографами по национальным проблемам и процессам этнического развития в 70–80-е годы определили в дальнейшем поворот в ее научной деятельности. В 1987 г. Зоя Хамидуллаевна стала заведующей Отделом этнографии (ныне этнологии) Института истории АН Республики Узбекистан. З.Х. Арифхановой удалось преодолеть все трудности и в короткий срок овладеть методологией и методикой исследования новой для нее научной дисциплины. С ее приходом в Отдел возобновились системные полевые этнографические экспедиции с целью изучения различных аспектов этнического развития узбеков. В истории Отдела не было такого периода, чтобы этнографы в течение 4 лет провели масштабные экспедиции сразу в пяти областях – Ташкентской, Ферганской, Наманганской, Бухарской, Джизакской и собрали обширный полевой материал. В результате коллективом этнологов под руководством З.Х. Арифхановой был создан фундаментальный труд «Этнография узбеков».

В годы независимости в центре ее научных интересов стали проблемы современной этнологии – этнокультурное возрождение и раз-

<sup>1</sup> Вопросы истории. 1989. № 6. С.79.

2004

витие узбекского народа, функционирование соседско-территориальной общины узбеков-махалли, культура и быт узбекской городской семьи, этнокультурные процессы в современном кишлаке Узбекистана и др. По этим проблемам Отдел подготовил четыре коллективные монографии. На основе глубокого анализа, практического изучения впервые соседская община в этнографической литературе стала восприниматься не как пережиточный институт прежних эпох, а как закономерное явление традиционного узбекского сообщества, важный инструмент социального управления, обусловленный закономерностями этнического развития и менталитетом народа.

В своих трудах З.Х.Арифханова раскрыла многие новые грани деятельности общины в условиях XX века, показала процесс ее превращения в орган самоуправления граждан, выявила, как махалля сохранила в годы советской власти и возродила в постсоветский период традиционный образ жизни узбеков. Большое внимание уделено изучению функционирования традиционных обществ (семейно-родственные группы, гапы) в современных условиях.

Перу З.Х. Арифхановой принадлежат брошюры «Современная жизнь традиционной махалли Ташкента» (2000г.), под ее редакцией и при авторском участии создана монография «Тошкент маҳаллалари: анъаналар ва замонавийлик» (2002г.), опубликован также ряд статей в узбекских и зарубежных научных изданиях<sup>2</sup>. В последние годы З.Х.Арифханова изучает актуальные проблемы узбекской городской семьи, этнокультурные процессы на материалах города Ташкента. Руководимая ею группа этнологов подготовила монографии «Этнокультурные процессы в махаллях г. Ташкента», «Культура и быт узбекской городской семьи».

Феномен соседской общины в Узбекистане благодаря ее публикациям привлекает сегодня научный интерес многих зарубежных ученых. У З.Х.Арифхановой стажировались и стажируются молодые исследователи из ряда зарубежных стран – США, Кореи, Японии и др.

<sup>2</sup> Арифханова З.Х. Роль махалли в возрождении национальных традиций узбекского народа // ОНУ. 1998. №7; Традиционные сообщества в современном Узбекистане. «Центральная Азия и Кавказ». Швеция. 2000. № 4 (на русском и английском языках); Traditional male and female Uzbek associations at the end of the XXth century. // Central Asian Studies. Seyl. 2002. Vol.7; Post-Soviet Transformations of Ritual Life of Uzbek. // Там же. 2002. Vol. 8; Махалля – традиционный орган самоуправления населения в прошлом и настоящем // Демократизация и права человека. 2003. № 1; и др.

Работая по гранту Комитета Центральной и Внутренней Азии (СЦИА) Кембриджского Университета, она исследовала новые процессы трансформаций в обрядовой жизни узбеков в постсоветское время, выявив как тенденцию к возрождению (*ақиқа тўй, мучал тўй* и др.) и легализацию (*жсаноза, никоҳ* и др.) многих обрядов, так и стремление населения к упрощению обрядового цикла, к совмещению и появлению новых обрядов (*эхсон*). Вместе с тем показано, что возрождение традиционного не помешало сохранению всего лучшего, что было воспринято из культуры других народов в советский период (бракосочетание в ЗАГСе, проведение свадеб в ресторанах и кафе, обмен обручальными кольцами и др.).

З.Х.Арифханова активно выступала с докладами на научных конференциях в Кишиневе (1987г.), Сухуми (1987г.), Таллине (1989г.), Орджоникидзе (1990г.), Алма-Ате (1992г.), а также на международных конференциях в Ереване (1982г.), в Белграде (1989г.), на международных научных конференциях, проводимых Институтом истории АН РУз совместно с корейскими (2000, 2003, 2004 г.), французскими (1998, 1999г.) и другими учеными. Зоя Хамидуллаевна – член Европейского общества исследователей Центральной Азии.

Её перу принадлежит более 100 научных работ. В годы независимости З.Х.Арифханова подготовила 5 кандидатов наук и сегодня продолжает руководить работой 3 аспирантов. Под ее руководством подготовлены две докторские диссертации, она постоянно консультирует иностранных стажеров-исследователей. По инициативе З.Х.Арифхановой в Специализированном совете Института истории в 1989 г. была введена специальность «Этнология», что открыло большие возможности для подготовки молодых этнологов. В результате этого за годы независимости молодые исследователи защитили около 20 кандидатских диссертаций и в настоящее время работают в университетах республики.

Вся многогранная жизнь З.Х.Арифхановой наполнена неустанным и кропотливым трудом. Она внесла заметный вклад в изучение ряда узловых проблем как исторической, так и этнографической науки.

А. Данияров



## СЕНСАЦИОННЫЕ АРХЕОЛОГИЧЕСКИЕ НАХОДКИ В УЗБЕКИСТАНЕ

Узбекистан богат многочисленными памятниками древности. Особое место среди них занимает пещерная стоянка Оби-Рахмат, где совместной экспедицией Института археологии и этнографии СО РАН и Института археологии АН Республики Узбекистан сделана сенсационная находка останков древнего человека в слое, датированном возрастом 50 тыс. л. до н.э.

Грот Оби-Рахмат (41°34 08,8" с.ш., 70°08 00,3 в.д.) находится на территории Республики Узбекистан, в 100 км на северо-восток от Ташкента, представляющий собой большую полукруглую нишу, обращенную на юг. Ширина в привходовой части – 20 м, глубина – 9 м, максимальная высота свода – 11.8 м. Толща рыхлого заполнения подразделяется на 22 стратиграфических слоя общей мощностью около 10 м. Памятник открыт в 1962 г. Х.К. Насретдиновым и первоначально исследовался под руководством А.Т. Окладникова в 1964–1965 гг., Р.Х. Сулейманова под руководством М.М. Герасимова, в 1966–1986 гг. Т. Омонжуловым и К.А. Крахмалем под руководством У.И. Исламова. Комплексное исследование грота Оби-Рахмат было возобновлено в 1998 г. в рамках сотрудничества ИАЭТ СО РАН и Института археологии АН РУз под руководством с российской стороны академика РАН А.П. Деревянко и с узбекской стороны академика АН РУз У.И. Исламова.

В полевой сезон 2003 г. в отложениях слоя 16, помимо археологического материала, обнаружены останки древнего человека. Максимальная мощность слоя 0.8 м.

Палеоантропологические находки представлены шестью изолированными зубами постоянной смены великолепной сохранности и мелкими фрагментами черепных костей.

Левые верхние клык (LC) и два премоляра (LP<sup>3</sup>, LP<sup>4</sup>) принадлежали ребёнку в возрасте 8 лет (±2 года). Зубы чрезвычайно крупных размеров.

Левый верхний первый моляр (LM<sup>1</sup>) или левый верхний латеральный резец (I<sup>2</sup>) принадлежали ребёнку в возрасте 9 лет (±2 года).

Из обнаруженных краниологических остатков на начальном этапе работы представляется возможным извлечь только информацию, которая косвенно подтверждает полученную на зубном материале диагностику. С уверенностью можно говорить о выделении среди краниологического материала фрагментов, относящихся как минимум к двум особям, при этом одна из них младше второй. Имеется фрагмент лобной кости черепа, соответствующий примерно возрасту 4 года ± 12 месяцев, а большая часть фрагментов может относиться к особи (особям) в возрасте около 8 лет.

С момента обнаружения на памятнике Оби-Рахмат костных останков древнего человека была проделана большая работа: благодаря кооперации ученых разных стран проведены компьютерная томография и трехмерное компьютерное моделирование зубов и ушных костей (в медицинском центре Инсбрука (Австрия) и Институте ядерной физики (Новосибирск)), микроэлементный анализ зубов (в лаборатории естественных наук Женевы (Швейцария) и антропологический анализ ос-

танков (специалистами из России, Австрии и США). К сожалению, предварительное изучение останков на предмет выделения древней ДНК (в Институте им. Макса Планка, Германия) определило содержание в костях крайне незначительного количества пригодного для анализа органического материала. Продолжение исследований в этом направлении неизбежно вызвало бы безвозвратное разрушение образцов, что неприемлемо в связи с исключительной национальной и международной важностью находок.

Общее количество каменных артефактов слоя 16 составляет 180 экз.: Нуклеидные изделия, Технические сколы, Отщепы, Пластины, Фрагмент пластин, Острокопечники, Орудийный набор, Зубчатые орудия, Резец, Комбинированное орудие.

В результате анализа каменных артефактов, полученных из слоя 16 грота Оби-Рахмат, установлено, что индустрия данного слоя органично вписывается в динамическую последовательность непрерывного развития обирахматской индустрии, демонстрирующей эволюционный переход от среднего к верхнему палеолиту.

В настоящее время в палеолитоведении вопрос об антропологическом типе носителей переходных и ранневерхнепалеолитических индустрий в возрасте более 40 т.л. до н.э. является одним из остро дискуссионных. В этой связи обнаружение останков человека в гроте Оби-Рахмат и предварительный вывод о сапиентной классификации этих находок чрезвычайно важен. Тем не менее, необходимо отметить, что изложенная характеристика палеоантропологического материала из Оби-Рахмат – предварительная. Для выработки окончательного заключения по систематическому положению представленных гоминид предполагается дальнейшее обсуждение результатов, независимо полученных несколькими специалистами.

На основании этого она включена в отчет Российской АН как сенсационная находка, в нем говорится:

«Обобщением исследований переходных индустрий (от среднего к верхнему палеолиту), синхронно появившихся на территории Евразии около 50 – 40 тыс. лет назад, является вывод о трансконтинентальном единообразии пластинчатых индустрий ранней поры верхнего палеолита. Длительные масштабные исследования регионов существования переходных комплексов в Средней Азии (Оби-Рахмат, Худжи), Горном Алтае (Кара-Бом, Усть-Каракол-1) и сопоставление их с комплексами Центральной и Юго-Восточной Европы (Богунце и Бачо-Киро), Ближнего Востока (Бокер-Тактит, Кзар-Акил) показали, что, несмотря на культурную специфику ранневерхнепалеолитических индустрий указанных регионов, они характеризуются близостью основных технико-типологических показателей. Научной сенсацией стала находка, сделанная совместной экспедицией Института археологии и этнографии СО РАН и Института археологии НАН Республики Узбекистан, костных останков древнего человека (грот Оби-Рахмат, Республика Узбекистан) в слое, предварительно датированном возрастом около 50 тыс. л. до н.э. Это первые в мире находки носителя переходной индустрии такого возраста. Открытие человеческих останков в Оби-Рахмате впервые позволяет определить антропологический тип носителей переходных индустрий и время появления человека современного облика в Центральной Азии».

*Академик АН РУз  
У. Исламов*

2004

**АКАДЕМИК КАРИМ ШОНИЁЗОВ ТАВАЛЛУДИНИНГ  
80 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАБ ЎТКАЗИЛГАН «ЎЗБЕКИСТОН  
ЭТНОЛОГИЯСИ: ЯНГИЧА ҚАРАШЛАР ВА НАЗАРИЙ  
МЕТОДОЛОГИК ЁНДАШУВЛАР» МАВЗУСИДАГИ  
ХАЛҚАРО ИЛМИЙ АНЖУМАН ҲАҚИДА**

ЎзР ФА Тарих институтда 2004 йил 31 майда ўзбек элшунослик мактабига та- мал тошини қўйган ва ўзига хос этнология мактабини яратган фидойи олим К.Шо- ниёзов таваллудининг 80 йиллиги муносабати билан «Ўзбекистон этнологияси: янгича қарашлар ва назарий методологик ёндашувлар» мавзусида илмий анжуман ўтказилди. Анжуманда республикамизнинг турли минтақаларидан этнолог, тарих- чи, шарқшунос, археолог, фольклоршунос етакчи олимлар ва ёш тадқиқотчилар билан бирга Франция, Япония, Жанубий Корея ва Қозоғистон каби давлатлардан ташриф буюрган мутахассислар иштирок этдилар.

Мазкур анжуманнинг асосий мақсади ўзбек элшунос олими К.Шониёзов хоти- расини ёд этиш билан бирга, бугунги кунда республикамизда этнология соҳасида олиб борилаётган назарий-методологик тадқиқотларни сарҳисоб қилиш, ўзбек эт- нологиясининг мустақиллик йилларидаги ютуқлари, муаммолари ҳамда истиқболли йўналишлари ҳақида фикрлашишга, ўтган йиллар мобайнида мазкур соҳада қан- дай ютуқларга эришилди ва ҳозирда қандай муаммолар мавжуд каби саволларга баҳоли қудрат жавоб беришга, ҳамда этнолог олимларнинг илмий кучини жиш- лаштиришга қаратилди.

Анжуманни ЎзР ФА Тарих институти директори профессор Д.А.Алимова ки- риш сўзи билан очиб берди ва сўнгра К.Шониёзов билан бир неча ўн йиллар мо- байнида бирга ишлаган ҳамкасб дўстлари, эл-юрт ҳурматиغا сазовор бўлган А.Му- ҳаммаджонов, Э.В.Ртвеладзе, А.Асқаров, А.Буряков каби академик олимларнинг устоз ҳақидаги хотиралари эшитилди. Анжуманнинг ялпи йиғилишида дастлаб «К. Шониёзов биринчи ўзбек элшунос олими» мавзусида Қарши ДУ «Этнология ва археология» маркази бошлиғи доцент О.Бўриев маъруза қилди. Маърузачи К.Шониёзовнинг ҳаёти, илмий фаолияти, этнология фани ривожланишида тутган ўрни ва унинг республикамиз фани тараққиётидаги улкан хизматларига тўхталиб, олим яратган ўзига хос илмий мактаб бугунги кунда ҳам давом этиб келаётганли- гини таъкидлаб ўтди. Олимнинг салкам ярим асрлик илмий фаолияти давомида фаннинг энг чигал ва қийин йўналишларидан бири бўлган этногенез ва этник тар- их масалалари, ўзбек халқининг моддий ва маънавий маданияти муаммолари бо- расида самарали тадқиқотлар олиб борганлиги эътироф этилди.

Анжуманда «О методологических основах этнологических теории в XX века» мавзусида ф.ф.н. В.С.Хан маъруза қилди. Маърузада асосан XX асрдаги этноло- гик назарияларнинг методологик асослари, фандаги турли-туман этнология мак- таблар ва йўналишларда фаолият олиб борган тадқиқотчи олимларнинг тадқиқот- лари илмий ҳолислик асосида таҳлил қилинди.

Конференцияда т.ф.д. З.Орифонованинг «Постсоветские трансформации в об- рядово-ритуальной жизни узбеков (на материалах полевых исследований г.Таш- кента)» мавзусидаги маърузаси тингланди. Маърузада мустақиллик йилларида ўзбек халқининг маросимий ҳаётидаги трансформацион жараёнларни Тошкент



2004

шаҳри ўзбеклари мисолида ёритиб берди. Айниқса, анъанавий оилавий турмуш маросимлари – туғилиш, никоҳ ва мотам маросимларидаги трансформацион жараёнларнинг илмий асосли таҳлили кўпчилик тингловчилар диққатига сазовор бўлди. Шунингдек, анжуманнинг ялпи йиғилишида доцент У.Абдуллаевнинг «Этнология терминологиясига оид муаммолар ҳақида» ва ЎЗР ФА Тарих институти докторанти А.А.Ашировларнинг «Ўзбек халқи этнологияси мустақиллик йилларида: ютуқлар, муаммолар ва уларнинг ечимлари» мавзусидаги маърузалари эшитилди. У. Абдуллаев ўз маърузасида этнология фанида долзарб бўлиб турган терминология муаммоси ҳақида янги илмий материаллар асосида маълумотлар беришга ҳаракат қилди. Айниқса, бу борада маърузачи томонидан этнология ва этнография, «этник жараёнлар» ва «этнослараро жараёнлар», «хўжалик-маданий типлар» терминлари ҳақида эътиборга молик фикр-мулоҳазалар билдирилди. А.Ашировнинг маърузаси эса этнология фанининг мустақиллик йилларидаги ҳолати, унинг ютуқлари ва муаммоларига бағишланган бўлиб, ушбу маърузада айнан мустақиллик йилларида фanning асосий тадқиқот объекти бўлган этнос ва этнос назарияси, этногенез ва этник тарихга оид янги назарий-методологик концепциялар яратилганига ва қолаверса, айнан бу даврда халқимиз моддий ва маънавий маданияти, оилавий ва жамоавий ҳаёти, диний эътиқодлари ва маросимларни тадқиқ этиш борасида жиддий тадқиқотлар бажарилиши билан бирга, фанда қўниқўшничилик анъаналари, этнослараро жараёнларни тадқиқ қилишга қаратилган янги йўналишларга асос солинишига қарамай, ҳали ҳам фан олдида кўплаб муаммолар турганлигига алоҳида урғу бериб ўтди. Айниқса, этнологиянинг назарий-методологик муаммоларига жиддий эътиборни қаратиш лозимлиги, тадқиқотчилар томонидан этнологияда асосий тадқиқот объектларидан бири бўлган моддий ва маънавий маданият кўринишлари, халқнинг анъанавий турмуш тарзи билан боғлиқ маросимлар ва урф-одатларни тавсифий этнографик тарзда ёритишдан чекинган ҳолда, маълум назарий-методологик концепцияга асосланиб, уларнинг генезиси, ўзига хос хусусиятлари, туб моҳиятига эътибор бериш ва этнологик нуқтаи назардан тадқиқ этиш лозимлиги таъкидлаб ўтилди.

Шунингдек, анжуманда этнологиянинг назарий-методологик муаммолари, этногенез ва этник тарих масаласи ҳамда Ўзбек халқининг анъанавий моддий ва маънавий маданияти муаммоларга оид қатор маърузалар тингланди. Этнология фанининг назарий-методологик муаммоларига бағишланган маърузалар ичида Токуо Metropolitan University Doctoral Candidate Эмми Имаҳори «Умумийлик (Community)»ни тасаввур қиладиган икки усулга оид баъзи мулоҳазалар» мавзусидаги маърузасида Бухоро сўзаналарини ўрганиш борасида олиб борган тадқиқотининг илк натижаларини фарб этнология мактабларидаги қарашлар билан ўзаро таққослаб таҳлил қилганлиги кенг жамоатчилик эътиборига сазовор бўлди. Бундан ташқари, профессор И.Жабборов ва С. Жабборовларнинг «Шариат ва одат ҳуқуқининг ижтимоий ҳаётдаги ўрни ҳақида баъзи мулоҳазалар», т.ф.н. Т.Ў.Салимовнинг «Этнология: тикланиш босқичида», т.ф.н. Б.Ҳамроқулованинг «Этнологияда этнопсихологиянинг ўрни» каби мавзуларидаги илмий маърузалари ҳам катта қизиқиш билан тингланди.

Конференцияда этногенез ва этник тарих муаммоларига бағишланган маърузалар ичида академик А. Муҳаммаджоновнинг «Калабод», «Калкавуз», «Калос» ва «Миёнқол» гидронимлари ҳамда «кал», «қол», «колот» субстрати тўғрисидаги,

А.Хўжаевнинг «Сведения китайских источников о южных границах государства Кангкия (Канцзюй)», Ф.Бобоёровнинг «Тургашлар ва тургаш ҳоқонлиги» мавзуларидаги маърузаларида янги илмий материаллар тақдим қилинди ва бу маърузалар кенг мунозараларга сабаб бўлди. Конференция якунида тингланган маърузалар юзасидан муҳокамалар бўлиб ўтди. Маърузалар бўйича мунозараларда профессор И.Жабборов, т.ф.д. З.Орифхонова, академик А.Муҳаммаджонов, т.ф.н. Б.Исоқов, т.ф.н. У.Абдуллаевлар сўзга чиқдилар. Конференция якунида анжуман иштирокчиларининг таклифларига кўра бундай анжуманни доимий равишда ўтказишга келишиб олинди.

*А. Аширов*

## Мундарижа

Ш. Шайдуллаев. «Авесто» ва моддий маданият. ....	3
Дж. Мирзаев. Роль термезских саййидов в истории Центральной Азии. ....	13
В.С. Бойко. Среднеазиатская эмиграция в Афганистане в 20 е – начале 30-х годов XX века. ....	24

## Тарихшунослик

Н. Мустафоева. Туркистон маорифи XX асрнинг 20-йиллари муаллифлари назарида. ....	33
--------------------------------------------------------------------------------------	----

## Тарих фактлар тили билан

М. Рахимов, К. Перимкулова. Узбекистан в международных и региональных организациях ....	46
--------------------------------------------------------------------------------------------	----

## Ёш тадқиқотчи минбари

М. Қаямов. XX аср бошида Хива хонлигида ислохотчилик ҳаракатларининг бошланиши ....	53
Р. Турсунов. Жадидларнинг Туркистон ижтимоий-иқтисодий ҳолатига қарашлари. ....	60

## Танқид ва тақриз

Д. Алимова, Н. Мустафоева, Қ. Ражабов. Тарихга мурожаат холисликни талаб этади. ....	70
-----------------------------------------------------------------------------------------	----

## Юбилей

А. Данияров. Зое Хамидуллаевне Арифхановой – 70 лет ....	82
----------------------------------------------------------	----

## Илмий ҳаёт янгиликлари

У. Исламов. Сенсационные археологические находки в Узбекистане. ....	86
А. Аширов. Академик Карим Шониёзов таваллудининг 80 йиллигига бағишлаб ўтказилган «Ўзбекистон этнологияси: янгича қарашлар ва назарий методологик ёндашувлар» мавзусидаги халқаро илмий анжуман ҳақида. ....	88



## Муаллифлар ҳақида маълумот

- Ш. Шайдуллаев** — ЎзР ФА Археология институти катга илмий ходими, т.ф.н.
- Ж. Мирзаев** — ЎзР ФА Тарих институти докторанти.
- В.С. Бойко** — Барнаул давлат педагогика университети доценти, т.ф.н.
- Н. Мустафоева** — ЎзР ФА Тарих институти докторанти.
- М. Раҳимов** — ЎзР ФА Тарих институти докторанти.
- К. Перимқулова** — Тошкент давлат Шарқшунослик институти 3-курс талабаси.
- М. Қаямов** — ЎзР ФА Тарих институти аспиранти.
- Р. Турсунов** — ЎзР ФА Тарих институти аспиранти.
- Д. Алимова** — ЎзР ФА Тарих институти директори, т.ф.д. профессор.
- Қ. Ражабов** — ЎзР ФА Тарих институти етакчи илмий ходими, т.ф.н.
- А. Дониёров** — Тошкент давлат Шарқшунослик институти профессори, т.ф.д.
- Ў. Исломов** — ЎзР ФА Археология институти Тошкент бўлимнинг мудир, академик.
- А. Аширов** — ЎзР ФА Тарих институти докторанти.

Муҳаррирлар: *М. Саидова, В. Соловьёва*  
Техмуҳаррир: *Л. Тюрина*  
Мусаҳҳиҳ: *К.С. Загряжская*

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 153. Теришга берилди 16.08.2004.  
Босишга рухсат этилди 21.09.2004. Қороз бичими 70x100<sup>1/16</sup>. Таймс гарнитура.  
Офсет босма. Офсет қоғози. Шартли босма 7,42 т.  
Ҳисоб-нашриёти 6,4 т. 490 нусха. 49-букюртма.

ЎзР ФА «Фан» нашриёти: 700047. Тошкент, акад. Я. Фуломов кўчаси, 70.  
ЎзР ФА АҚ босмаҳонасида чоп этилди. Тошкент, И. Мўминов кўчаси 13-уй.

